260593

Халқ зиёлилари рўзномаси

Маърифат

معرفت

MARIFAT

1931 йил 4 июлдан чиқа бошлаган

1993 ЙИЛ 26 МАЙ, ЧОРШАНБА

№ 35 (6546). Баҳоси 5 сўм.

Аждодлардан мерос дўстлик

ҲИНДИСТОН БОШ ВАЗИРИ НАРАСИМХА РАОНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИГА ТАШРИФИ

23 май кунк Ҳиндистон Республикаси Бош вазири Нарасимха Рао расмий ташриф билан Тошкентга келди.

Ўзбекистон ва Ҳиндистон давлат байроқлари билан безатилган Тошкент аэропортида ҳурматли меҳмонни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов, республика Бош вазири Абдулҳошим Муталов, ташқи ишлар вазири Содиқ Сафоев, Тошкент шаҳар ҳокими Адҳамбек Фозилбеков ва бошқа расмий кишилар кутиб олдилар.

Ҳиндистонлик меҳмонларнинг ташрифи жуда хайрли ишдан бошланди. Ислом Каримов ва Нарасимха Рао жаноби олийлари Ҳиндистоннинг собиқ Бош вазири Лаъл Баҳодир Шастри Ҳиндистон ва Покистон мамлакатлари ўртасидаги сулҳ ҳужжатини имзолаш учун 1966 йилда Тошкентга ташриф буюрган чоғида яшаган масканда бўлиб, унинг шарафига ўрнатилган ёдгорлик пойига гуллар қўймишди. Маросимда халқлар ўртасида тинчлик ўрнатишга беқиёс ҳисса қўшган йирик жамоат арбобининг порлоқ хотираси ёдга олинди. Маълумки, Лаъл Баҳодир Шастри Ҳиндистон тарихидаги бу муҳим ҳужжатни имзолаганидан сўнг Тошкентда оламдан кўз юмган эди. Шу ўринда Нарасимха Рао жанобларининг қуйидаги сўзлари ёдга келади: Лаъл Баҳодир Шастри ҳамиша барҳаёт, чунки у Ҳиндистон халқининг тинчлик ҳақидаги эзгу ниятини амалга оширди.

Сўнг Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Ҳиндистон Бош вазири Нарасимха Раога совғалар тақдим этди. Ўша куни Президент Ислом Каримов ва Ҳиндистон Бош вазири Нарасимха Рао яккама-якка мулоқотда бўлдилар.

Бу пайтда ҳар икки мамлакат расмий делегациялари ҳам ўзаро музокараларни бошлади. Музокараларда икки мамлакат ўртасида имзоланажак ҳужжатлар хусусида фикрлашилди.

Ҳиндистон Бош вазири Нарасимха Раонинг сафар дастури ғоят тиғиз ва сермазмун тузилган эди. Олий мартабали меҳмон Тошкент шаҳридаги ҳинд тилига ихтисослашган 24-мактабга ташриф буюрди. 1956 йилда Ҳиндистоннинг йирик давлат арбоблардан бири Жавоҳарлаъл Нерунинг, Ўзбекистонга ташрифи муносабати билан ушбу мактабга асос солинган эди.

Мактаб ҳовлисида мартабали меҳмонни ўқувчилар гулдасталар билан кутиб олдилар. Бош вазир ҳинд халқининг улуғ фарзанди, йирик давлат ва жамоат арбоби Л. Шастри ҳайкали пойига гуллар қўйди ва унинг руҳини ёд этди.

Меҳмонлар мактабдаги Ҳиндистон Республикаси ҳаёти ҳақида ҳикоя қилувчи музейни ҳам томоша қилдилар.

Шундан сўнг Ҳиндистон Бош вазири билан мактаб жамоасининг учрашуви бўлди. Ўқувчилар ҳинд мусиқа ва рақсларини ижро этиб, йиғилганларни хурсанд қилишди.

Ҳиндистон Республикаси Бош вазири Нарасимха Рао мактабдаги учрашувдан кейин Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ҳамроҳлигида Ўзбекистон Фанлар академиясининг Абу Райҳон Беруний номидаги шарқшунослик институтига ташриф буюрди.

Ўзбекистон Фанлар академиясининг президенти М. Салоҳиддинов мамлакатимизнинг йирик фан арбоблари, ҳиндшунос олимлари номидан Бош вазирни қутлади.

Институт директори А. Ўринбоев меҳмонларни институт тарихи ва фаолияти билан қисқача таништирди. Сўнг Бош вазир жанобларига Ҳиндистоннинг йирик давлат ва жамоат арбоблари, олимлари, шоир ва ёзувчилари асарларининг республикамизда нашр қилинган нусхалари совға сифатида тақдим этилди.

Олий мартабали меҳмон кўрсатилган иззат-икром учун миннатдорлик билдириб, бу ерда сақланаётган қадимий қўлёзмалар билан танишди ва институтнинг хотира дафтарига ўз дастхатини ёзиб қолдирди.

Ҳиндистон Бош вазири Нарасимха Рао ташрифининг иккинчи куни ҳам хайрли тадбир билан бошланди. Бош вазир жаноблари Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов ҳамроҳлигида пойтахтнинг «Ўзбекистон» кўчасидаги Ҳиндистон элчихонаси янги биносининг қурилиши бошланиши муносабати билан ўрнатилган ёдгорлик лавҳаси очилиш маросимида иштирок этди.

Ҳиндистоннинг Ўзбекистондаги фавқулодда ва мухтор элчиси Далип Мехта маросимни очиб, йиғилганларни ушбу тарихий воқеа билан қутлади.

— Бу ерда қурилажак элчихона биноси ўзбек ва ҳинд халқларининг дўстлик уйи бўлади, — деди Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов. — Келажакда амалга ошадиган сиёсий, иқтисодий ва маданий алоқаларимизнинг ривожланишига катта ҳисса қўшади. Элчихона вакилларига бу борада катта муваффақият тилайман.

Ўз навбатида Ҳиндистон Бош вазири янги элчихона қурилишига Тошкентнинг энг кўркам кўчасидан жой ажратилгани учун Президентга миннатдорлик изҳор этди. Элчихона, ҳақиқатан ҳам, икки халқнинг дўстлик масканн бўлиб қолишига ишонч билдирди.

Ўзбекистон Президенти ва Ҳиндистон Бош вазири янги элчихона биносининг лойиҳаси билан танишдилар. Шундан сўнг Ислом Каримов ва Нарасимха Рао жаноблари ёдгорликнинг мармар лавҳасини очдилар.

Ўша куни Нарасимха Рао бошчилигидаги расмий делегация аъзолари Хоразмни зиёрат қилдилар.

Меҳмонлар қадимий Хиванинг тарихий обидаларини томоша қилдилар. Кўҳна Арк дарвозахонасида бир пиёла чой ичдилар.

Хоразм вилояти ҳокими М. Жуманиёзов азиз меҳмонлар шарафига зиёфат уюштирди. Ўша куни меҳмонлар Тошкентга қайтишди. Сафар чоғида уларга республикамиз Бош вазири А. Муталов ҳамроҳлик қилди.

Халқлар Дўстлиги саройида Президент Ислом Каримов ва Бош вазир Нарасимха Рао иштирокида Ўзбекистон — Ҳиндистон музокаралари бўлди.

Расмий делегациялар музокаралари якунланиши билан икки мамлакат ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларини кенгайтиришга хизмат қилувчи ҳужжатларни имзолашга киришилди.

Ўзбекистон Республикаси билан Ҳиндистон Республикаси ўртасида давлатлараро муносабатлар ва ҳамкорлик принциплари тўғрисидаги шартнома, Ўзбекистон Республикаси ва Ҳиндистон Республикаси ҳукуматлари ўртасида фойда ва мулкка икки ёқлама солиқ солмаслик тўғрисидаги, ҳаво йўли тўғрисидаги, савдо-иқтисодий ҳамкорлик тўғрисидаги битимлар ҳамда ўзаро англашма тўғрисидаги меморандум имзоланди.

Сўнгра Ўзбекистон — Ҳиндистон музокаралари якунлари юзасидан мамлакатимиз ва чет эл журналистлари билан учрашув бўлиб ўтди. Учрашувда ҳар икки мамлакат расмий делегацияларининг музокаралари ғоят самарали бўлгани, Ўзбекистон билан Ҳиндистон халқларининг аждодлардан муқаддас мерос бўлиб қолган анъанавий дўстлиги, ҳамкорлигини янги босқичга кўтариш имконини берадиган муҳим ҳужжатлар имзоланганн қайд этилди.

Шундан сўнг Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов ва Ҳиндистон Бош вазири Нарасимха Рао журналистларнинг саволларига батафсил жавоблар беришди.

Бугун Бош вазир Нарасимха Рао раҳбарлигидаги Ҳиндистон ҳукумат делегацияси аъзолари Олма-Отага жўнаб кетишади.

(ЎзА).

* * *

СУРАТЛАРДА: Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримов ва Ҳиндистон Республикаси Бош вазири Нарасимха Рао Тошкентдаги Л. Шастри номли мактаб ўқувчилари даврасида; ҳиндистонлик меҳмонлар Ўзбекистон ФА Шарқшунослик институтида; Ҳиндистон Республикаси Бош вазири кўҳна шаҳар Хивада.

ЎзА суратлари.

Ўзбекистон Республикасининг Қонуни

«ТАЪЛИМ ТЎҒРИСИДА»ГИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУНИГА ЎЗГАРТИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ ҲАҚИДА

Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 2 июлда қабул қилинган «Таълим тўғрисидаги қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ахборотномаси, 1992 йил, № 9, 342-модда) қуйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин:

1. 22-модданинг:

Иккинчи хатбошисидаги «Таълим муассасаларига методик ёрдам кўрсатади» деган сўзлар «Таълим муассасаларига услубий раҳбарликни амалга оширадилар» деган сўзлар билан алмаштирилсин:

учинчи хатбошиси чиқариб ташлансин.

2. 23-модданинг олтинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Давлат тасарруфида бўлмаган республика аҳамиятига молик таълим муассасаларининг раҳбарлари муассислар томонидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси билан келишиб тайинланади».

3. 25-модда қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«25-модда. Таълимни бошқариш давлат идоралари билан давлат тасарруфида бўлмаган таълим муассасаларининг ўзаро муносабатлари».

Давлат тасарруфида бўлмаган таълим муассасаларига Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тасдиқлаган низомга мувофиқ бундай фаолият билан шуғулланиш учун рухсат (лицензия) олганларидан кейингина таълим бериш фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқига эга бўладилар.

Давлат тасарруфида бўлмаган таълим муассасалари томонидан Ўзбекистон Республикасининг таълим тўғрисидаги қонунлари бузилган ҳолларда давлат таълим бошқарув органлари низо суд тартибида ҳал этилгунга қадар бу муассасалар фаолиятини тўхтатиб туришга ва Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунларига мувофиқ уларнинг раҳбарларини эгаллаб турган лавозимидан озод этиш ҳақида таклиф киритишга ҳақлидир.

Давлат тасарруфида бўлмаган таълим муассасаларига қабул давлат ўқув юртлари учун белгиланган тартибда ва муддатларда ўтказилади».

4. 38-модданинг олтинчи хатбошисидаги «айрим фуқаролар» ва еттинчи хатбошисидаги «фуқаролари» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

5. 39-модданинг иккинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Давлат тасарруфида бўлмаган таълим муассасаси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилган вақтдан бошлаб юридик шахс ҳуқуқини қўлга киритади».

Ўзбекистон Республикасининг Президенти

И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1993 йил 7 май.



УМУМТАЪЛИМ МАКТАБЛАРИДА ВА МАКТАБ-ИНТЕРНАТЛАРДА ЎҚУВ ЙИЛИ ЯКУНЛАНИБ, БИТИРУВ ВА СИНФДАН СИНФГА КЎЧИРИШ ИМТИҲОНЛАРИ ҲАМ БОШЛАБ ЮБОРИЛДИ. ФАНЛАРДАН БЎЛАДИГАН ИМТИҲОНЛАР ЙИЛЛИК БИЛИМЛАРНИНГ ХОЛИС МЕЗОНИДИР. ИМТИҲОНЛАР ҲАММА-ҲАММАНИ ЎҚУВЧИЛАРНИ ҲАМ, ЎҚИТУВЧИЛАРНИ ҲАМ КАТТА СИНОВДАН ЎТКАЗАДИ.

«МАЪРИФАТ»ГА ЖАВОБ БЕРАДИЛАР

«Эски мактабда эски ташвишлар»

«Маърифат» газетасининг 1993 йил 24 апрель сонида юқоридаги сарлавҳа остида танқидий мақола эълон қилинганди. Унда Қашқадарё вилояти Чироқчи туманидаги Т. Расулов номли мактаб директори, О. Саидов мазкур ўқув даргоҳининг аянчли аҳволи ҳақида куюниб ёзганди.

Яқинда ана шу мақолага жавоб сифатида Қашқадарё вилояти халқ таълими бошқармаси бошлиғи С. Мирова имзоси билан мактуб олинди. Унда таъкидланишича, мактаб 1957 йилда ҳом ғиштдан қурилган бўлиб, янги бино учун лойиҳа-смета ҳужжатлари тайёрланган, пойдевор учун хандақлар қазилган. Қурилиш материалларининг танқислиги ҳамда хўжалик иқтисодининг оғир аҳволга тушиб қолиши қурилишни давом эттиришга имкон бермаган.

Мақолада қайд қилинганидек, хўжалик ўз иқтисодини тиклаш, долзарб қурилишларини амалга ошириш ва маблағ топиш мақсадида биринчи навбатда мева-сабзавот омбори қуришга мактаб учун ажратилган майдонни мўлжаллаган. Омбор мактабнинг иситиш хонасига тўғри келган. Ҳозирги кунда Чироқчи туман ҳокимлигининг аралашуви билан мева-сабзавот омборини қуриш ишлари тўхтатилди. Февраль ойида бўлиб ўтган тинимсиз ёғингарчиликлар натижасида мактаб деворлари ёрилиб кетди. Туман санитария-эпидемиология станцияси ходимлари бинони яроқсиз топишиб, 13 февралдан мактабда ўқишни тўхтатган. Бир ҳафтадан кейин туман ҳокими ва туман халқ таълими бўлимининг аралашуви билан мактаб ёнидаги болалар боғчаси синфхонага мослаштирилиб, дарс машғулотлари бошлаб юборилди. Ҳафта давомида мактабда 625 соат дарс қолдирилди. Мактаб маъмурияти қолдирилган дарс соатларини дастурларни ихчамлаштириш, қўшимча дарс соатлари ҳисобидан қоплаш режасини тузган. Мактаб қурилиши масаласи эса маблағ йўқлиги туфайли ҳозирча тўхтаб турибди. Янги ўқув йилига қадар эски бинони ялпи таъмирлаш учун лойиҳа тайёрланмоқда.

ВАЗИРЛИКЛАРДА

ОЛИЙ ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ— ҲАММУАССИС

Таълим ва тарбия ўчоқлари — мактаб ҳамда олий ўқув даргоҳлари ягона халқ таълими тизимини ташкил қилади. Гарчи таълим-тарбиянинг бу икки соҳасига икки ташкилот — Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги мутасаддилик қилишса-да, ҳар икки томон амалга ошираётган ишлар бир мақсад — халқ таълимини юксалтиришга қаратилган. Жумҳуриятимизда узлуксиз халқ таълимини ёритаётган махсус нашрлар ҳам мавжуд бўлиб, булар — жумҳуриятимиз Халқ таълими вазирлиги муассислигида чоп этилаётган «Маърифат» ва «Учитель Узбекистана» газеталаридир.

Мақсадлар бирлиги амалий ишларда ҳам ўзаро яқин ҳамкорлик ва изчилликни тақозо этади. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, «Маърифат» ва «Учитель Узбекистана» газеталарининг шу ниятдаги таклифларини ҳар икки вазирлик раҳбарияти самимият ва хайрхоҳлик билан қабул қилдилар.

Шундай қилиб, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ўзининг навбатдаги ҳайъат йиғилишида таҳририятлар таклифини кўриб чиқиб, «Маърифат» ва «Учитель Ўзбекистана» газеталарига ҳаммуассис бўлиб қўшилиш ҳақида қарор қабул қилди. Ўзаро алоқаларни ҳал этиш ва йўлга қўйиш вазифасини вазирнинг биринчи ўринбосари Б. А. Назаровга топширди. Шу билан бирга олий ва ўрта махсус ўқув юртлари жамоаларига газета саҳифаларида таълим ислоҳоти жараёни, талабалар ва ўқувчилар ўртасида олиб борилаётган маданий-оммавий ва спорт ишларини ёритиб бориш, реклама ва эълонларни асосан мазкур газеталар саҳифаларида чоп этиш тавсия қилинди.

Жумҳуриятимиз истиқлолини мустаҳкамлаш — бу келажагимиз эгалари бўлган билимдон ва оқил ёшларни тарбиялаш ҳам демакдир. Бинобарин, вазирликларнинг матбуот атрофида бирлашуви ана шу саъй-ҳаракатларининг юзага чиқиши ва халқ таълими заҳматкашларининг минбари бўлган газеталар моддий-маънавий шароитлари яхшиланиши учун самарали таъсир кўрсатиши шубҳасиздир!

•

МУҲИМ ТАДБИРЛАР

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг навбатдаги ҳаъйат йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишда қуйидаги масалалар кўрилди:

— Навоий вилояти педагогика ўқув муассасаларида мутахассис ходимлар тайёрлаш ва малакаларини ошириш аҳволи ҳамда уни янада такомиллаштириш тўғрисида;

— Узлуксиз педагогик таълим концепциясини тасдиқлаш тўғрисида;

— Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги тасарруфидаги педагогика билим юртлари ва индустриал-педагогика билим юртларига 1993 йилги қабул қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида;

— Педагогика институтлари, педагогика билим юртлари ва индустриал-педагогика техникумлари учун ўқув режаларини тасдиқлаш ҳақида;

— Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институти қошида республика мактаб ўқитувчилари учун айрим мутахассисликлар бўйича қайта тайёрлаш курсларини ташкил қилиш ҳақида;

— чет тилидан узлуксиз таълим Концепциясини тасдиқлаш ҳақида.

Ҳайъат йиғилишини Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазири Жўра Йўлдошев олиб борди.

ТУРКИЯНИНГ ЯНГИ ЙЎЛБОШЧИСИ

Оммавий ахборот воситалари ўтган ҳафта хабар қилишларича, шу кунгача Туркия Бош вазири лавозимида ишлаб келган машҳур давлат арбоби, Тўғри йўл партиясининг Бош раиси Сулаймон Демирэл Туркия Республикасининг тўққизинчи Президенти этиб сайланди.

Социал-демократик халқ партиясининг раҳбари Эрдал Инено Бош вазир вазифасини бажаришга киришди. Мамлакат Президенти холис бўлмоғи учун бирон партиянинг аъзоси бўлиши мумкин эмаслиги сабабли Тўғри йўл партиясининг яқин бир ярим ой ичида бўладиган съезди унинг янги раҳбарини сайлайди.

Янгилаш даври, янгиланиш даври

ТОҒДАЙ ЮКСАЛАЁТГАН МАКТАБЛАР

Ўсиб келаётган ёш авлодни ҳар томонлама баркамол, соғлом этиб тарбиялаш масаласи нафақат ўқитувчиларни, балки жамиятимиз кенг қатламларини, умуман ҳамма-ҳаммани тўлқинлантирмоқда. Мамлакатимиз Президенти И. А. Каримовнинг Сурхондарё вилоят кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида сўзлаган нутқида ҳам барча соҳалар қатори халқ таълими ходимлари учун ҳам дастуриламал вазифалар белгилаб берилди.

Туманимиз маорифчилари бу юксак масъулиятни чуқур ҳис этган ҳолда ўқувчи-ёшларга таълим-тарбия беришни яхшилаш, ўқув муассасалари моддий базасини такомиллаштириш, бозор иқтисодиётига ўтиш давридаги вақтинчалик тақчилликларни бартараф этиш борасида муайян ишларни амалга оширмоқдалар. Бугунги кунда тумандаги барча умумтаълим мактаблари ўз маблағларига эга бўлишга астойдил ҳаракат қилаётир. Бир қатор мактабларнинг банкдаги махсус ҳисоб дафтарларида ҳозирнинг ўзидаёқ 150-200 минг сўмгача пул жамғарилди. 8, 19, 34, 41-ўрта мактаб педагогик жамоалари мактаб олди участкаларида боғ барпо этиб, бундан яхшигина даромад қилмоқдалар. Бундан 5-6 йил муқаддам барча мактабларда 4-5 сотиҳдан теракзор ташкил этилган эди. Уларнинг олди қурилиш материали сифатида фойдаланишга яраб қолди. Келгусида мактаблар учун бу ҳам даромад манбаидир. Ишбилармонлик туфайли даромаддан тўпланган маблағлар мактабнинг ўқув-моддий базасини мустаҳкамлашга, аъло баҳоларга ўқиётганларга ва иқтисодий ночор оилаларнинг болаларига моддий ёрдам ташкил этишга, юксак самарадорликка эришаётган ўқитувчиларни рағбатлантиришга, турли хил тадбирлар ўтказишга ва бошқа хайрли ишларга сарф қилинаяпти.

Ўқувчиларнинг фан асосларидан пухта билимга эга бўлиши ҳар бир ўқитувчи-тарбиячининг асосий вазифасига айланмоғи лозим. Буни қалбдан ҳис қилган мураббийларимиз дастлабки қадамларни қўйишди. Умумтаълим мактаблари юқори синф ўқувчилари асосан электрон-ҳисоблаш машиналари билан жиҳозланган синф хоналарида машғулотлар ўтказилмоқда.

Туман умумтаълим мактабларидаги мавжуд электрон-ҳисоблаш машинаси кабинетларидан нафақат информатика ва ҳисоблаш техникаси фанини ўқитишда, балки математика, физика, астрономия, рус тили каби фанларни ўқитишда ҳам фойдаланиш йўлга қўйилаётир.

Бугунги кунда барча фанлар ўқитилишида янгича услуб ва йўналишлардан кенг фойдаланиш давр талабига айланмоқда. Халқ таълими бўлимининг услубчи ва назоратчилари кучи билан таянч мактаблари базасида ўқув йили давомида ҳар бир фан бўйича 2 мартадан туман миқёсида семинар ўтказиляпти. Ҳар ойда 3 зонада мактаб раҳбарларининг ҳаракатдаги семинар йиғилишларини ўтказиш ҳам анъана бўлиб қолди.

Туманимиз марказида химия-биология ва математика йўналишларидаги иқтидорли болалар мактаби иш бошлади. Бу мактаб ходимлари жойларда бўлишиб, қобилиятли болаларни аниқлаб, ўқув йили давомида ҳам махсус мактабга қабул қилишяпти. Шунингдек, туман ҳудудида мактабларнинг тарқоқ жойлашганлигини ҳисобга олиб, ўқув масканларида фанлар чуқур ўрганиладиган синфлар ташкил этиш тадбирларини белгилаяпмиз. Шу боис маорифчиларимиз барча кўрсаткичлар бўйича вилоятда ўз мавқеига эга. Вилоят фан олимпиадалари, «Санъат байрами», кўрик-танловларида қатор йиллардан буён фахрли ўринлар эгалланаётир.

Мактаблар моддий-ўқув базасини мустаҳкамлашда ҳашар йўли билан мактаб ва қўшимча синф хоналари қуриш муҳим йўналишлардан бўлиб қолди. Кейинги бир неча йил мобайнида туман раҳбариятининг қатъий ҳаракати ва жамоатчилик кучи билан қарийб 6 минг ўқувчи ўрнига эга бўлган 220 та синф хонаси қурилиб, фойдаланишга топширилди. Шулар эвазига ҳозирги кунда умумтаълим мактаблари ўқувчиларининг 70 фоиздан ортиғи фақат биринчи сменада ўқимоқдаки, бу вилоят миқёсида ҳам юқори кўрсаткичдир. Шунингдек, туманда капитал қурилиш йўли билан қарийб 5 минг ўқувчи ўрнига эга бўлган 8 та мактаб барпо этилаётир. Мустақиллик кунига қадар ҳар бири 422 ўринли 2 та мактаб биносини фойдаланишга топшириш учун ҳозир қурилиш ишлари қизғин олиб бориляпти. Шу ўринда республикамизнинг тоғли туманларида аҳолининг тарқоқ жойлашганлигини ҳисобга олиб, 251, 320, 422 ўринли мактаблар қуриш мақсадга мувофиқ эканлигини таъкидламоқчимиз. Бу, биринчидан, кам маблағ талаб этса, иккинчидан, қурилиш муддати чўзилмайди. Ўйлаймизки, лойиҳачи ва мутасадди ўртоқлар бу ҳақда ўйлаб кўришади.

Шуни ҳам рўйи-рост айтиш керакки, бугунги кунда туманимизда ҳали моддий базаси ночор, замонавий ўқув ускуналари билан жиҳозланмаган, синф хоналари тор, мустаҳкам пойдеворга эга бўлмаган ва йиллар ўтиши билан яроқсиз ҳолатга келиб қолган мактабларимиз ҳам анчагина. Туман ҳокимлиги ва мутасадди вилоят ташкилотларининг саъй-ҳаракатлари туфайли эндиликда бу ҳолатдан чиқиш чора-тадбирлари белгиланяпти.

Эришилаётган ютуқларнинг бош манбаи, шубҳасиз, мустақил Ўзбекистон раҳбариятининг халқ таълимига катта эътибори нишоналаридир. Ўтган қисқа даврда республика Президенти томонидан халқ таълими ходимларини ижтимоий муҳофаза қилиш мақсадида бир қатор фармонлар чиқарилдики, айни пайтда бу фармонлардан 2,5 мингга яқин бахмаллик маорифчилар ҳам баҳраманд бўлишмоқда. 100 дан зиёд мураббий яшаб турган уйини шахсий қилиб олди, ўқитувчи ва тарбиячиларимиз коммунал хизматнинг барча турларидан беминнат фойдаланмоқдалар. Шунингдек, «Таълим тўғрисида»ги қонуннинг қабул қилиниши, «Соғлом авлод учун» орденининг таъсис этилиши ҳам ёш авлод камоли, халқ таълимининг равнақи ҳақида чинакам ғамхўрликнинг далилларидир.

Ҳа, мактабга келажаги буюк давлатнинг асосий таянчи деб, ўқитувчиларга истиқбол маънавиятининг инженерлари деб қаралаётганлиги халқ таълими ходимларининг жамиятнинг энг имтиёзли табақасига айланиши ҳамда обрў-эътибор топишидан даракдир. Бундай юксак эътибор ва ишончни қалбдан ҳис қилиб ишлаётган ўқитувчи ва тарбиячилар бизнинг туманимизда ҳам оз эмас. И. Қўйлиев номли ўрта мактаб муаллими, Ўзбекистон халқ маорифи аълочиси О. Холмуродов, Р. Аҳмедов номидаги мактабнинг информатика ва ҳисоблаш техникаси фани ўқитувчиси И. Ҳамроев, А. Абдураззоқов номидаги мактаб директори, ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчиси Н. Алмаматов, У. Журиков номидаги мактабнинг қирғиз тили ва адабиёти ўқитувчиси О. Содиқов, 1-ўрта мактаб математика фани муаллимаси Д. Абдураҳмонова, Ж. Дўстмуродов номидаги мактаб ўқитувчиси М. Фармонов шундай мураббийлар сирасидан.

Ўқитувчи маънавияти ҳамма нарсадан юқори бўлиши лозимлигига ҳеч шубҳа йўқ. Чунки у келажак авлод тарбиячиси деган юксак ном соҳибидир. Бироқ гуруч ичидаги курмак каби ўзининг соддалиги, ишонувчанлиги туфайли нопок йўллар билан бойлик ортирувчилар тўдасига кириб қоладиган, ичкилик ичиб обрўсини тўкиб қўядиганлар ҳам йўқ эмас. Яқинда маъмурий орган ходимлари томонидан уйида ноқонуний ҳолда гиёҳванд моддалар сақлагани учун қўлга олинган Э. Бекназаров шундайлар тоифасидан эканлиги маълум бўлди. Х. Қорабеков номидаги мактаб ўқитувчиси Э. Бекназаров эндиликда қилмишига яраша жазосини ҳам олади. Лекин гап жазода эмаслигини бир дақиқа ҳам унутмаслигимиз лозим. Биз ўқитувчи ва тарбиячиларимизнинг маънавий юксак, виждонан пок кишилар бўлишига эътиборни қаратишимиз керак.

Мактабларимизда олиб борилаётган ҳуқуқий-тарбиявий ишларга қарамасдан, ўқувчи ўсмирлар орасида ҳам, оз бўлса-да, ҳуқуқбузарлик, ҳатто айрим ҳолларда жиноятчилик аломатлари содир этилмоқда. Ўтган 1992 йилда туманимиздаги И. Қўйлиев номидаги мактабнинг 3 нафар ўқувчиси фуқароларнинг шахсий мулкини ўғирлаш каби жиноятни содир этди. Улар ҳам қилмишига яраша жазосини олишди. Бироқ энг ташвишли томони шундаки, айрим ота-оналар ўз фарзандлари тарбиясига беғарқ қарашяпти. Уларнинг бўш вақтларида қаерда юрганлиги, нима ишлар билан шуғулланаётганлигига ота-оналаргина эмас, ҳатто баъзи ўқитувчиларимиз ҳам етарли даражада эътибор бермаётганликлари сир эмас.

Туманимиз ҳудуди тоғли зонага жойлашган, темир йўл шохобчаларидан анча олис, йўлларимиз шаҳарлардагидек серқатнов эмас. Бу ерга турли хил мақсадларда келиб-кетувчилар нисбатан кам. Буларнинг ҳаммаси ёшлар ўртасида қонунбузарлик ҳолларининг камроқ содир этилишига асосий сабаблардан биридир. Агар ўсмирлар ўртасида содир этилган ҳуқуқбузарлик ҳолатларини таҳлил қиладиган бўлсак, бу нохуш ҳол 1992 йилда илгариги йилларга нисбатан кескин камайди. Бироқ бу кўрсаткич бизнинг хотиржам бўлишимизга мутлақо асос бўла олмайди. Чунки битта бўлса ҳам ўғрилик, майда безорилик жамиятимизда ҳамиша тавқилаънатга учраган ва учрайди ҳам.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазири Ж. Ғ. Йўлдошев пойтахтдаги Ўқитувчилар уйининг мажлислар залида бўлиб ўтган халқ таълими фаоллари йиғинидаги маърузасида таъкидлаганидек, сурхондарёлик маорифчилар фаолиятидаги нуқсонлар бошқа вилоят, шаҳар ва туманларда ҳам мавжуд бир шароитда биз ҳеч қачон бамайлихотир бўлмаслигимиз лозим. Чунки ўқитувчининг ўзи асло тарбияга муҳтож бўлмаслиги керак. Зотан, бугун унинг олдида ёш авлодга замон талаби асосида таълим-тарбия беришдек улуғвор вазифалар турибди.

Халқ маорифининг асосий вазифаси мустақил Ўзбекистоннинг муносиб фуқароларини тарбиялаш, уларга бой билим беришдир. Мактаб жамоаларининг бурчи ўғил-қизлар касб-малакасини ошириш, ёшларни ўз олдиларида турган муаммоларни мустақил равишда ҳал эта оладиган кишилар қилиб тарбиялашдан, уларнинг қалбида ватанпарварлик, туйғусини миллат тараққиётини кўзловчи, мустақил Республиканинг мустақил ўғил-қизларини тарбиялашдан иборат. Албатта, булар ўқиш-ўқитиш, тарбия ишларини янгича тафаккур билан ташкил этишни тақозо этади. Биз мақсадларимизга камчилик ва нуқсонларга муросасиз курашиш, халқ маорифини тубдан ислоҳ қилиш, уни жаҳон стандарти даражасига кўтариш орқалигина эриша оламиз. Бунинг учун ишимизни айни пайтда маҳаллий шароит, ўзбекона маънавий қадриятларимизни, халқимизнинг турмуш тарзини ҳисобга олган ҳолда ташкил этишимиз лозим.

Саидаҳмад МИРЗАБЕКОВ,
Бахмал туман халқ таълими бўлимининг мудири.

ИЛМИЙ МУЛОҚОТ

Сирғали туманидаги 300-лицей-мактабда Тошкент давлат университети физика факультетининг етук мутахассислари, физик ва астроном олимлари билан учрашув бўлиб ўтди. Ўзбекистон муҳандислар академияси мухбир аъзоси, физика-математика фанлари доктори, профессор, физика факультети декани Сирожиддин Зайнобиддинов, физика тарихи ва ўқитиш услуби кафедраси мудири, профессор Эргаш Назиров, факультетлараро умумий физика кафедраси мудири, физика-математика фанлари доктори, профессор Умарбек Абдураҳмонов, Ўзбекистон Фанлар академияси Электроника илмий текшириш институти лаборатория мудири, техника фанлари доктори, профессор Нигматилла Ҳамидов ва бошқалар лицей-мактабнинг юқори синф ўқувчилари билан мулоқот олиб бордилар.

Ўқувчилар физика ва астрономия фанининг бугунги ютуқлари ҳақида батафсил маълумотга эга бўлиш билан бирга физика тарихи, физика ҳамда коинот масалалари тўғрисида ўзларини қизиқтирган саволларга мукаммал жавоб олдилар.

Айнан шу куни яна бир тантана лицейи ўқувчилари кайфиятини кўтариб юборди. Улар — «Коинот» командаси аъзолари Тошкент давлат университети қошидаги С. Сирожиддинов номли лицей ўқувчиларининг «Уран» командаси билан ўзгармас ток ва электростатика бўйича билимдонлик ва топқирлик баҳсида ўзаро куч синашдилар. Ғоят қизиқарли ўтган бу баҳсда «Коинот» командаси 97 балл тўплаб, ғолибликни қўлга киритди.

— Мусобақани ўтказишдан мақсад, икки лицейнинг энг иқтидорли ўқувчиларини ўзаро таништириш, уларнинг билим доираларини чуқурлаштириш, физика фанига бўлган қизиқишларини кучайтириш ва энг муҳими жумҳуриятимиздаги бошқа иқтидорли ва қизиқувчан ўқувчилар орасида ҳам шундай беллашувларга асос солишдир, — дейди 300-лицей-мактабнинг физика ўқитувчиси Абдусалом Умаров.

Замира СОДИҚОВА,
300-лицей-мактаб ўқитувчиси.

«ЭЙПЛ» МАҲСУЛОТЛАРИ ЎЗБЕКИСТОНДА

Бугунги ҳаётимизни компьютерлар хизматисиз тасаввур қилиш қийин. Илм-фанимиз ривожи бевосита компьютерларга боғлиқ эканлиги ойнадек равшан бўлиб қолди.

Яқинда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси мажлислар залида дунёга машҳур Эй-Би-Си-Вэй-Си компаниясининг Ўзбекистон Республикасидаги илк таништирув маросими ва матбуот ходимлари билан учрашуви бўлиб ўтди. Тошкент шаҳрида ўз идорасига эга бўлган ушбу компания «Эйпл» маҳсулотларини Ўзбекистон, Туркманистон, Тожикистон ва Озарбайжон республикаларига сотади ҳамда бу мамлакатлардаги иқтисодий-технологик эҳтиёжларни ўрганади.

— «Эйпл» технологияси жуда оддий, иш унуми эса юқори ва сифатли. — Бу меҳнат унумдорлигини оширади. Биз ишонамизки, компаниямиз Марказий Осиёда компьютерлар бўйича дистрибьютерлик фаолиятини биринчи бўлиб расмий равишда бошлаётганлардан бўлганлиги сабабли, у компьютер бозорида муҳим ўрин эгаллайди ва компьютерлаштириш юзасидан тузилган миллий лойиҳаларни адо этишда ишончли шерик бўлиб қолади, — деган журналистлар билан учрашувда Эй-Би-Си-Вэй-Си компаниясининг бош менеджери жаноб Жан-Жак Мокюэр.

ИСТИҚЛОЛ МАФКУРАСИ — БОШ МАВЗУ

Мустақил Ўзбекистонимиз ажойиб воқеаларни бошидан кечираяпти. 130 давлат билан алоқаларнинг йўлга қўйилишиёқ халқаро майдонда мамлакатимиз нуфузининг ошиб бораётганидан далолат беради.

Эндиликда ички сиёсатга — халқ таълими тизимига, ёшлар маънавиятини ривожлантиришга, янги давлат эгаларини ватанпарварлик руҳида, янги мафкура асосида вояга етказишга, улар қалбида миллий ғурурни тарбиялашга бутун диққат-эътибор қаратилмоғи, барча куч-ғайрат шу соҳага сарфланмоғи лозим. Зеро, истиқлол ва мустақиллик мафкурасини тўла ишлаб чиқмасдан, маънан етук, миллий ўзлигини англаган кадрларни тарбияламасдан туриб, тараққиётга эришиб бўлмайди.

Куни кеча Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институтида бўлиб ўтган профессор-муаллимларнинг XXI анъанавий илмий-назарий анжуманида шу мавзулар доирасида атрофлича фикр юритилди.

Анжуманда институт ректори, К. Юсуповнинг «Истиқлол мафкурасининг айрим муаммолари», доцент З. Ғофуровнинг «Мустақиллик ва миллий ўзликни англаш», профессор А. Набиевнинг «Ватанга муҳаббат туйғусини шакллантиришда миллий қадриятларнинг ўрни» мавзуидаги маърузалари тингланди. Уларда илмий мулоҳазалар ўртага ташланди.

Мунозарада сўзга чиққанлар анжуманда қилинган маърузалар чуқур таҳлилга эга эканлигини ва ушбу маърузалар қўлланма сифатида чоп этилса, институт талабаларига, ёш ўқитувчиларга дастуриламал бўлиб хизмат қилишини таъкидлашди.

Шунингдек, улар институт қошида мафкура назарияси ва услубиёти курсини ташкил этиш, ота-оналарга мўлжалланган дарсликлар яратиш, халқ қаҳрамонлари тарихини ҳамда буюк бобокалонларимиз томонидан яратилган дунёвий асарларни фарзандларга чуқур ўргатиш, ўғил-қизларнинг келажакка ишончини мустаҳкамлаш учун нималарни амалга ошириш лозимлиги хусусидаги таклифларни билдирдилар.

М. ҚУРБОНБОЕВ.

МАОРИФИМИЗ ФИДОЙИЛАРИ

БУРЧГА САДОҚАТ

Шарқ ва Ғарбда машҳур бўлган шоир Муслиҳиддин Саъдий Шерозийнинг дидактик асари — «Гулистон»ни варақлар эканман, қуйидаги шеърий парча диққатимни тортди:

Юборди ўғлини
мактабга подшо,
Қилиб қўйниға нуқра
тахтача жо.
Кумуш ул тахтага
зардин битиб ёд:
«Ота меҳридан афзал
жабри устод».

Ҳа, қадим замонлардан бери устоз севимли инсон сифатида ардоқланиб келинади, ота-она билан тенг кўрилади. Фарзанд туғилар экан, ота-она унинг тарбияси билан машғул бўлади. Вақти-соати етиб, таълим ўргатиш учун устоз қўлига топширади. Устоз эса бор маҳорати ва меҳрини шогирдига инъом этиб, унинг камоли учун қайғуради. Ғоҳ ширин, ғоҳ аччиқ, лек ҳақ сўзлаб шогирдини тўғри йўлга бошлайди. Шундай экан, устоз жабри ота меҳридан устун қўйилишида, ота-оналарнинг қадимда «Эти сизники, суяги бизники» дея устозга ишониб топшириб қўйишларида ҳақиқат бор, албатта.

Орамизда фидойи ва саминий, камтар ва билимдон устозлар кўп. Шулардан бири Манноп ака Ортиқовдир. Бу кишининг ҳаёт йўллари оддий, айни вақтда машақкатли кечган. Оддий деҳқон оиласида таваллуд топган Манноп ака ота-онадан ўсмирлик чоғидаёқ етим қолган. Урушдан кейинги қийин кунларга қарамай, илмга чанқоқлик ва пухта билим у кишини Тошкент Давлат педагогика институтининг кимё-биология факультетига етаклаб келди. Ҳақиқий билим ўз мевасини берди. Илм Манноп акага тиргак ва суянчиқ бўлди. У киши кечки бўлимда ўқиб, ўзлари билим олган 274-ўрта мактабда сураткашлик тўгараги раҳбарлигидан иш бошладилар. Институтни тугатгач, шу мактабда биология фанидан дарс бера бошладилар. Ёш мутахассиснинг дарслари ниҳоятда қизиқарли ва кўргазмаларга бой эди.

Шу билан бирга Манноп акада ташкилотчилик маҳоратини сезган мактаб директори Юсуф Мўминов қизиқувчан, тиришқоқ устозни ишлаб чиқариш таълими бўйича директор ўринбосари лавозимига тавсия этдилар. Бу йилларда (1960 — 1968) мактаб томорқасида сабзавот ва мевалар етиштириш намунали йўлга қўйилган эди. Ўқитувчилардан Ориф Акбаров, Ҳабиб Валиев, Манноп Ортиқовлар раҳбарлигида ўқувчилар меҳнати билан етиштирилган маҳсулотлар Москвадаги Бутуниттифоқ Халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмасида намойиш қилиниб, кўргазманинг кумуш медали билан тақдирланган эди. Мактабнинг шуҳратини ёйишда педагогик жамоанинг аҳиллиги, меҳнатсеварлиги етакчи ўринда турган эди. Манноп Ортиқов 1968—1988 йилларда илмий мудир бўлиб ишлади. 1988 йилдан эса директор.

Манноп ака таълим ва тарбияни уйғунликда олиб боришни ютуқлар гарови, деб билади. Тез-тез дарсларга кириб таҳлил этади, ўқитувчиларга фойдали маслаҳатларини аямайди.

Манноп ака — олим, педагогика фанлари номзоди. Баъзан ўйлаб қоламан. Олий ўқув юртини эндигина тугатган ёш талабалар шу жойда қолиб ишлашни орзу қиладилар. Албатта, «орзуга айб йўқ». Лекин ҳали етарли тажрибаси бўлмаган, илмнинг бирор соҳасида янгилик яратмаган, олий ўқув юртида ишлаш лаёқати бор йўқлигини яхши билмаган ёки узоқ йиллардан бери институтда ишлаб келса-да, номзодлик ишини ҳимоя қила олмаган айрим устозларнинг олий даргоҳларга интилишларини кўриб қанчалик ҳайрон бўлсам, фан номзоди, 20 дан ортиқ илмий ишлар муаллифи, қарийб 40 йилдан бери бир мактабда ишлаб келаётган Манноп акадек фидойиларни кўриб ажабланардим. Сабабини сўраганимда: «Мен номзодлик ишимни мактабдаги тажрибаларимга суяниб ўтказдим, шунинг учун бу ердан кетишни ўйламаганман ҳам», — деб жавоб берди.

Манноп ака — 9 фарзанднинг севимли отаси ҳамдир. Турмуш ўртоқлари Муқаддам опа билан шунча фарзанд тарбиялаб, уларни олий маълумотли қилдилар. Қизлари Гулчеҳра, Замира, ўғиллари Абдумутал ота касбини шараф билан давом эттирмоқдалар. Келинлари Маҳмудахон бошланғич таълим муаллимаси.

Йўлингиз тушиб, Юнусободнинг «Оқтепа» маҳалласига келсангиз, бир қаватли, 60 йил аввал қурилган, лекин файзли, тевараги боғу гулзор мактабга кўзингиз тушади. Ана шу мактабга халқ таълими аълочиси, педагогика фанлари номзоди, олий тоифадаги ўқитувчи умрининг 60 баҳорини қаршилаётган Манноп Ортиқов раҳбарлик қилади.

Маҳмуда ВАЛИЕВА,
олий тоифадаги ўқитувчи.

ЯРМАРКАГА МАРҲАБО!

Шу йил 28-29 май кунлари Тошкентда ўқув муассасалари устахоналарида тайёрланган маҳсулотларни сотиш бўйича республика тўртинчи ярмаркаси ўтказилади. Унда барча вилоятлар, Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда Тошкент шаҳрининг ўқув-ишлаб чиқариш марказлари, мактаблар ва ҳунартехника билим юртлари вакиллари қатнашадилар. Ярмарка павильонларида асосан қайси турдаги маҳсулотлар намойиш этилади ва бозор иқтисодиёти шароитида унинг аҳамияти қандай бўлади? Мухбиримизга шу хусусда Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги ҳунартехника таълими бошқармаси бошлиғи муовини Хайриддин Маъсудов қуйидагиларни сўзлаб берди:

— Пойтахтимизнинг Карл Маркс кўчасида шу кунлари 40 та павильонда кўргазма ташкил этилади. Унда 100 миллион сўмлик 400 хил харидоргир маҳсулот тури намойиш қилинади. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, савдога қўйиладиган ёдгорлик буюмлари ва шунга ўхшаш маҳсулотларнинг нархи фақат унинг таннархидан шаклланганлиги ва уларга қўшимча қиймат белгиланмаганлиги учун ҳам бундай молларнинг баҳоси унчалик баланд бўлмайди.

Кийим-кечак, трикотаж, катталар ва болалар учун тикилган кийимлар, уй-рўзғор ҳамда кундалик эҳтиёж моллари, кулолчилик буюмлари, ёғочдан ишланган маҳсулотлар, пичоқлар... буларнинг ҳаммасини санаб ўтиш қийин. Ярмарка кунлари халқ ҳунармандчилиги асосида ишланган молларга, нафис ип билан тикилган либосларга, заргарлик буюмларига қизиқиш катта бўлиши кутилаётир. Шунингдек, ҳунар-техника билим юртлари ўқувчилари куч-ғайрати билан етиштирилган қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ҳам намойиш қилинади. Бу маҳсулотлар арзонлиги, сифатлилиги билан бозордагидан тубдан фарқ қилади.

Хуллас, бозорларимизни мўътадиллаштиришга ҳамда ўқувчиларимиз меҳнатини юзага чиқаришга хизмат қиладиган бу ярмаркага барчани таклиф этамиз.

ФРАНЦИЯ МАТБУОТИ КЎРГАЗМАСИ

Бугунги ижтимоий-иқтисодий ҳаётни матбуот нашрлари, хусусан, газета ва журналларсиз тасаввур қилиш қийин. Лекин то шу кунгача биз чет эл матбуоти ҳақида сафар таассуротлари ёҳуд ахборот воситалари орқали тасаввурга эга эдик. Эндиликда бунинг учун хорижга бориб ўтириш шарт эмас. Мамлакатимизда дунё мамлакатлари ваколатхоналари очилиши муносабати билан бу борадаги қизиқишларимизга ҳам жавоб топиш мушкул бўлмай қолди.

Дарҳақиқат, пойтахтимиз Тошкентнинг Журналистлар уйида ўтказилган «Француз матбуоти панорамаси» кўргазмаси кўпчиликда катта қизиқиш уйғотди. Йиғилганлар Францияда ҳар йили 20 минг номда 7 миллиард нусҳадан зиёд газета ва журнал, турли босма нашрлар чоп этилишини билиб олдилар. Нашрларнинг полиграфик ижроси, айниқса, ранг-баранг ва сержило. Ўзимизга тегишли гапни айтадиган бўлсак, уларда, гарчи таълим-тарбия масалалари барча матбуот воситаларида ёритиб борилса-да, «Маърифат»га ўхшаган махсус газета чиқарилмас экан.

Кўргазманинг очилиш маросимида Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси раиси Л. Кабиров, Франция Республикасининг Ўзбекистондаги элчиси Жан Поль Резиан, Ўзбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёт матбаа концерни бош директори И. Шоғуломов, «Тошкент оқшоми» — «Вечерний Ташкент» газеталари муҳаррири Э. Эрназаров икки мамлакат матбуотчилари ўртасидаги алоқаларни мустаҳкамлаш зарурати ҳақида сўз юритдилар.

Мухбиримиз.

• Хотира •

МАКТАБГА РАУФ ҚАЮМОВ НОМИ БЕРИЛДИ

Умр оқар дарё, дейишади. Бироқ ана шу қисқа даврда ўзининг ҳалол меҳнати билан, фидойилиги, жонкуяр ва ватанпарварлиги, жасурлиги билан эл орасида танилганлар кўпчиликни ташкил этади. Рауф Қаюмов ҳам худди шундай хислатларни ўзида мужассамлаштирган камсуқум, эломон инсон эди. У киши ҳаётда босиб ўтган йўл қисқа, аммо сермазмун, авлодлар, фарзандларга татигуликдир.

Рауф Қаюмов Тошкентда ўқитувчи оиласида таваллуд топди. Мактабни тугатгач, аввал техникумда ўқиди. Кейинчалик эса Қиевдаги ҳарбий билим юртини тугатди. Улуғ Ватан уруши йилларида номи элларда достон бўлган Панфилов дивизиясида туриб Сталинградни фашист босқинчиларидан озод этишда мардонаворлик кўрсатди. Оддий ўзбек ўғлининг Ватанга садоқатлилигини, мардлигини ҳалол хизматлари билан жанговар дўстлари орасида намоён этди.

Оддий аскарликдан полковник даражасигача бўлган йўлни босиб ўтди. Урушдан кейин, тинч қурилиш йилларида ҳам Рауф Қаюмов умрининг сўнгги кунигача ўз халқи, эли учун хизматда бўлди, инсонийлик бурчини бажарди...

Янгиланиш шарофати билан фидойи инсонларимизни хотирлаш, улар номини абадийлаштириш анъанага айланмоқда. Пойтахтимизнинг Мирзо Улуғбек тумани халқ таълими бўлими тасарруфидаги 71-ўрта мактабда куни кеча Рауф Қаюмов хотирасини абадийлаштиришга бағишланган тантана бўлиб ўтди.

Унда республика ҳарбий комиссарлигининг вакиллари, туман ҳокими, шаҳар халқ таълими Бош бошқармасининг етакчи мутахассислари, уруш ва меҳнат фахрийлари, ота-оналар жамоатчилиги ҳамда маҳалла оқсоқоллари иштирок этдилар.

Кечани мактаб директори Илья Мордухаев очгач, Р. Қаюмовнинг қуролдош дўсти, генерал-лейтенант Собир Охунжонов уруш йилларидаги хотиралари билан ўртоқлашди.

Иштирокчилар ёш авлодни байналмилалчилик руҳида тарбиялаш, Ватанга садоқатли, мустақил республиканинг пойдеворини яратувчилар мактабда эканлигини алоҳида таъкидлаш билан бирга, Рауф Қаюмовдек довюрак, меҳнаткаш ва Ватан ўғлони бўлишга ёшларни даъват этдилар.

Шу кундан бошлаб 71-мактаб Рауф Қаюмов номи билан юритиладиган бўлди. Анжуман иштирокчилари орасида Р. Қаюмовнинг фарзандлари, набиралари ҳам бўлиб, улар ҳукуматимизга, халқимизга, йиғилганларга ўз миннатдорчиликларини изҳор этдилар.

СУРАТЛАРДА: 71-ўрта мактабдаги анжумандан лавҳалар.

Даврон АҲМЕДОВ суратлари.

МАКТУБИМ-ТАШВИШИМ, ҚУВОНЧИМ

Дил изҳори

КАМАРБАСТАЛИК

...Тарих — жонли тувоқ, дейдилар. Тарихан таркиб топган мамлакатларда қанчадан-қанча камарбаста инсонлар ўтган. Ўз Ватани, халқининг тинчлиги ва фаровон турмуши учун жон фидо қилганларни миннатдорлик билан тилга олишади. АҚШнинг «Уорлднет», яъни «Жаҳон тармоғи» ойнаижаҳони дастурларини кўрарканмиз, америкаликларнинг ўз президентини қанчалик севишларига қойил қоласан, киши. «Умид кўприги», «Умид қўнғироқлари» халқнинг президентга ишончини оширибгина қолмай, унга куч-қувват ҳам бағишлайди. Б. Клинтон қасамига содиқликда ўз халқи ҳурмат-иззатини унутмаса керак. Мададкор халқ ишончи президент ишининг самараси эмасмикан! Шуларни ўйларканман, суверен мустақил республикамизнинг биринчи Президенти Ислом Абдуғаниевич Каримов ҳақида ўйга толаман. Биз ҳам амриқо ва французлар, инглизлар, ҳеч бўлмаса, қўшнимиз туркманлар каби ўз Президентимизни сева оламизми? Йўлдош Охунбобоев, Усмон Юсупов ва Шароф Рашидов каби юртбошилар хайрли ишларининг давомчисига мададкор куч бўлолямизми? Қисқа даврда бир неча йилларга татигулик ишлар қилинди.

«Келажагимиз — мактабда» шиори моддий рағбатлантирилди. Ўзим ўқитаётган 23 нафар ўқувчига ҳар куни эрталаб 207 сўмлик бепул нонушта бераман. Нонуштадан кейин болаларнинг чеҳрасига қараб «Нонушта учун раҳмат!» сўзларида Президентимизга меҳр-муҳаббатни сезаман. Шу пайт қишлоғимизда 900 ўқувчига ҳар куни 8100 сўм сарфланаётгани, туман, вилоят, республикамиз бўйича миллиардлаб сўм инъом этилаётганини кўз олдимга келтираман...

Бобокалонларимиз «етимесир, ногиронлар бошини силасанг — икки дунёнинг ҳам обод бўлади» дейишган. Бу борада «Наврўз» хайрия жамғармаси, «Маҳалла фонди»нинг ташкил этилиши «Қариялар уйи» ва «Болалар уйи»га тушувчилар сонини анча камайтирди. Қишлоғимиздан бир қанча ёшлар Туркияда ўқишмоқда, тест синовлари бўйича оддий фуқароларнинг ўғил-қизлари институтларга киришди. Республикамиз мустақилликка эришгач фақат қишлоғимизнинг ўзида 624 ўринли ўрта мактаб, 20 ўринли қишлоқ тиббиёт шифохонаси қурилиб, фойдаланишга топширилди, барча хонадонлар газлаштириб, сув қувурлари ётқизилди, мингдан зиёд хонадонга телефон туширилди. Собиқ Иттифоқ даврида чала қолган Ҳамза номидаги ўрта мактаб қурилиши учун 23 миллион сўм давлат маблағи ажратилди. Бу каби хайрли ишлар мактабимиз жамоасини ҳам ижодкорликка чорлаяпти. Излаш ва изланишлар, тест синовлари дарс жараёнига кириб бормоқда. Илғор мамлакатлар тажрибаси, халқаро алоқаларнинг қулоч ёйиши Президентимизнинг саъй-ҳаракатлари, халқ маорифига ғамхўрлиги натижасидир. Халқ хўжалигининг барча жабҳаларида бўлаётганидек, маориф ва соғлиқни сақлаш ходимларига кўрсатилаётган ғамхўрлик ҳам беқиёсдир. Тинч меҳнат, осойишталик, ижодкорлик, ҳамроҳимиз бўлгани. Эзгу тилакларимиз амалга ошувига кўз тегмасин!

Азимбой ҚОБУЛОВ,
Хоразм вилояти Қўшкўпир туманидаги Ҳамза номли мактаб ўқитувчиси, меҳнат фахрийси.

Кўнгил чигили

ТАРОЗИ ПАЛЛАСИ ТЕНГ БЎЛСА...

Маълумки, жумҳуриятимиздаги кўпгина мактабларда эндиликда муаллимлар маъмурият билан битим асосида ўзаро меҳнат шартномаси тузиб ишлашмоқда. Ўқитувчи ўз имкониятидан келиб чиқиб, қандай меҳнат қилажагини баён қилади. Энди ҳар бир муаллим ўзини ўзи кунма-кун, ойма-ой назорат қилиб бориши керак бўлади. Бироқ шартнома бўлгандан кейин тарозининг икки палласи тенг бўлиши керак-да. Мана, масалан, шартномага кўра, мактаб маъмурияти ўқитувчига мактаб зали, ўқув хоналари, кутубхонани фойдаланиш учун бериб қўяди. Аммо шуларнинг барчаси, ҳатто мактабнинг ўзи талабга жавоб бермасачи?

Бизнинг саккиз йиллик тўлиқсиз ўрта мактабимизни мактаб деб аташга ҳам ғили бормайди кишининг. Ҳар куни синфхоналарга қирар эканман, жовдираб турган болаларнинг ҳолига ачиниб кетаман. Кўпинча электр чироғи ўчиб қолганда қуёш нури тушмайдиган синфхоналар қоронғу зимистон бўлиб қолади. Тахтадаги ёзув кўринмайди. Кўпгина тахталарнинг бўёғи кетиб, хиралашиб қолган. Буларнинг барчаси болаларнинг кўз нури пасайишига олиб келяпти. Лабораториямиз йўқ, кутубхона эса бўм-бўш. Бу ердан керакли китобларни тополмайсиз. Синфлар темир печка билан «исситилади». Печкага кўмир солинганда, унинг бадбўй ҳиди синфхонани тутиб кетади. Болалар буига чидолмай шикоят қилишади. Синфдан бошинг оғриб, асабинг бузилиб чиқасан. Ҳа, айтаверсам, гап кўп. Мактабимиз аслида қаровсиз уй бўлиб, зўрма-зўраки, номига мактаб, холос.

Қани энди, ишлаганга яраша кенг ва ёруғ, шинам, барча шароитлар муҳайё бўлган замонавий мактабда ишласанг. Ноумид — шайтон, дейдилар. Ажаб эмас, 17 кишилик жамоамизнинг ҳам орзуси ушалиб, номига муносиб чинакам мактабларда дарс бериш насиб этса...

Т. ЭШҚОРАЕВ,
Сурхондарё вилояти Жарқўрғон туманидаги 9-тўлиқсиз ўрта мактаб ўқитувчиси.

Бухоро вилоятининг Ромитон туманидаги ибн Сино номли давлат хўжалигида ташкил этилган якка деҳқон хўжалигига тажрибали фермер Теша Тошев раҳбарлик қилади. Бугунги кунда хўжаликда 62 бош қорамол боқилиб, саховатли фермер сут маҳсулотларини мактаб ва боғчаларга ҳам улашмоқда.

СУРАТДА: Теша Тошев фарзандлари даврасида.

Н. МУҲАММАДЖОНОВ суратга олган.

Газетхон таклифи

ҲАММАНИНГ ЎЗ ДАРДИ БОР

Кўплаб мамлакат олимлари, руҳшуносларни, муаллимлари бирлашиб мактаб ўқувчиларини ёзда уч ой дам оладиган қилишганда ҳақдирлар. Аммо улар бизнинг бугунги аҳволимизни билишган ёки кўришган бўлганда, ёздаги таътилнинг ҳеч бўлмаса учдан икки қисмини қиш чилласига кўчиришган бўларди.

Мен бир неча йиллардан бери туман халқ таълими бўлимида қурувчи-муҳандис бўлиб ишлайман. Илгаримлари ишдаги камчиликларни айтиш, айниқса, ўз иши ҳақида гапириб бўлмасди. Бугун биз ҳамма нарсани очиқ айтиш мумкин бўлган даврда яшаяпмиз. Фақат ўзимизнинг тумандагина эмас, бошқа туману вилоятларда ҳам мактабларни исситиш яхши эмас. Бунга сабаб миллий ўзига хослигимиз, яъни бизда қадимдан бу нарсанинг йўқлиги бўлса керак. Бу катта муаммо, унга алоҳида тўхталиш керак. Ана шу яхши исситилмаслик туфайли қишда касалликлар кескин кўпайиб кетади. Ҳисобхонадаги ҳужжатлардан маълум бўлишича, бир йиллик касаллик варақаларига сарфланган пул туманимизда тўрт миллион сўмдан ортиб кетаркан. Албатта, бунинг ичида зарурий варақалари ҳам бор.

Агарда таътилнинг маълум қисми қишга кўчирилса, исситишга, касаллик варақаларига сарфланган пуллардан жуда катта қисмини тежаш мумкин бўларди. Энг муҳими, болалар соғлиғини сақлашга катта ҳисса қўшиларди.

Мирзадавлат ОЧИЛДИНОВ,
Бағдод туман ХТБ муҳандиси.

МУТАСАДДИ ТАШКИЛОТЛАР ДИҚҚАТИГА!

ЎМИДВОРМИЗ

Зомин туманидаги 27-тўлиқсиз ўрта мактабни 1991-92 ўқув йилида 17 нафар ўқувчи битирдик. Шулардан тўққиз нафари турли жойларда — қариндош-уруғи ёки танишларининкида ётиб, ўрта маълумот олиш ҳаракатида юришибди. Негаки, бизнинг қишлоққача энг яқин мактаб 10 километр узоқда, транспорт умуман қатнамайди.

Қолган саккизтамиз ҳам тенгдошларимиз қатори ўрта маълумот олишни, олий ўқув юртларига киришни истаймиз. Афсуски, бундай шароитда бошқа жойга бориб ўрта маълумот олишга сира имконимиз йўқ. Бизлар каби ҳар йили ўнлаб ёшлар ўрта маълумот ололмай сарсон-саргардон бўлиб юришибди. Туман раҳбарларига ота-оналар, ёшлар бир неча марта мурожаат қилишган бўлсе ҳам бирон-бир натижа чиқмади.

Қадрли таҳририят! Қишлоғимиздаги тўлиқсиз ўрта мактабни ўрта мактабга айлантириш масаласини ҳал қилишда бизга ёрдам берсангизлар бошимиз кўкка етарди.

Қайсар АБДУРАИМОВ,
Олим МАҲМУДОВ,
Гулчеҳра ТУЙЧИЕВА,
ва бошқа ёшлар.
Жиззах вилояти.

МЕНИНГ ЎРНИМ ҚАЕРДА?

Шу йил февраль ойида вилоятимиздаги иқтидорли болаларнинг иккинчи слёти бўлиб ўтди. Мен слётда рассомчилик бўйича қатнашиб, биринчи ўринни эгалладим. Урганчлик тенгдошим ҳам ғолиб чиққанди. Ғолибларга пул мукофотлари ва фахрий ёрлиқлар беришди. Биринчи ўринни олганларга «республика мусобақаларига пухта тайёрланиб юринглар, 24 мартда Тошкентга борасизлар», дейишди. Шундан сўнг мен ҳам астойдил тайёргарлик кўриб юрдим. Ўзимиз хабар берамиз, дейишганди. Белгилашган муддатлари ўтиб кетди ҳамки, менга бирон хабар айтилмади Суриштириб билсам, 24 мартда улар ўша қизнинг ўзини Тошкентга олиб кетишган экан.

Ҳақиқатни топишга ёрдам беринг. Менинг ўрним қаерда?

Озод БОБОЕВ,
Хоразм вилояти Боғот туманидаги Искандар Дўсов номли мактаб ўқувчиси.

ҲАНУЗ ДАРАК ЙЎҚ

Республикамиз раҳбариятининг биз, ўқитувчиларга кўрсатаётган ғамхўрликларидан жуда миннатдорман. Маҳаллий раҳбарлар ҳам, қанийди, уни бажаришга астойдил киришсалар. Ахир, ҳукуматимиз томонидан чиқарилаётган қарорларнинг бажарилиши бир жиҳатдан уларга ҳам боғлиқку!

Қишлоқ ўқитувчиларини кўмир, газ, ичимлик суви билан бепул таъминлаш ҳақидаги Президентимизнинг махсус фармони назаримда, бизни четлаб ўтганга ўхшайди. Биз бу ҳақда кўплаб жойларга бир неча бор мурожаат қилдик. Ҳеч бир натижа чиқмади. Мана, қиш ҳам ўтди, аммо биз олишимиз керак бўлган кўмирдан ҳанузгача дарак йўқ Назаримда, баъзи маҳаллий раҳбарлар ўқитувчининг оҳ-воҳи қаерга ҳам боради, деб ўйласалар керак.

С. ЧОРИЕВА,
Қашқадарё вилояти Қарши туманидаги М. Маматов номли 22-мактаб ўқитувчиси.

МАКТАБ ХАБАРЛАРИ

— Менинг энг яқин дўстим китобдир,— дейди жажжигина неварам Азизжон. Қирқ йилга яқин мактабда ўқитувчи бўлиб ишлаб, Азизжонга ўхшаб китобга дилдан меҳр қўйган болани учратмадим. Шаҳарга борса, албатта, беш-олтита китоб сотиб олади. — Агар пулим кўп бўлганида энг аввало, магазинлардаги ҳамма китобларни сотиб олган бўлардим, — дейди у.

Азизжон Гулистон шаҳридаги 2-мактабнинг 3-синфида аъло баҳоларга ўқияпти. У газета ва журналларни севиб ўқийди. Ўзбек мақолларининг маъносини ҳам тушунтириб беради. Ёзувчи Худойберди Тўхтабоевнинг барча асарларини ўқиб туширган. Азизжоннинг фикр доираси, дунёқараши янада кенгайсин деб Бухоро, Тошкент, Наманган, Шоҳимардон ва Қўқон музейларига олиб бордик. Қанийди, барча болалар ҳам Азизжондек китобхон бўлишса...

Саодат МИРАҲМЕДОВА.
Сирдарё вилояти.

●

Нуробод туманидаги Жом давлат хўжалигига қарашли Анжирли қишлоғида 260 ўқувчига мўлжалланган янги мактаб биноси қад кўтарди. 1990 йилда бошланган билимгоҳ қурилиши мактаб директори Насриддин Қувондиқовнинг саъй ҳаракатлари билан ниҳоясига етди.

Замонавий услубда жиҳозланган, кенг ва ёруғ синфхоналарда Анжирли қишлоғи болалари энди мазза қилиб таҳсил олишяпти. Шунингдек, ўқувчилар мактаб атрофини боғ-роғга айлантириш, кўкаламзорлаштириш ишларида ҳам фаол иштирок этишяпти. Айни пайтда олма, анор, беҳи, гилос кўчатлари кўкка бўй чўзяпти. Ўйингоҳ атрофига экилган тол, терак ниҳоллари ҳам авж олиб ўсмоқда.

Замира САФАРОВА,
СамДД талабаси.

БОШИДАН ЎТГАН ТАБИБ

...Тўсатдан бошимизга тушган қайғу бизни довдиратиб қўйди. Дунёда энг азиз, энг мўътабар инсон — онани йўқотишдан оғир жудолик бўлмас экан. Соппа-соғ юрган онамни тўсатдан машина уриб, қаттиқ жароҳатлади. Қанча уринмайлик онамиз ҳаётини сақлаб қололмадик. Биз, фарзандлари унинг дардига даво бўла олмадик, Ўзбекчиликда, ота-боболаримиздан қолган шундай урф-одатларимиз бор эканки, буни ҳамма билиши шарт. Шунинг учун ҳам донишмандларимиз «табиб — табиб эмас, бошидан ўтган—табиб» деб бекорга айтмаган эканлар.

Охирги видолашув они қўни-қўшнилар, қариндошуруғларнинг ҳаммаси одатимиз бўйича, келган ҳар бир аёл билан аза айтимларини айтиб кўришиш лозим. Қани, энди бу аждодларингдан қолган одатга итоат этмай кўр-чи? Бутун маҳалла сен ҳақингда гапиради. Бу маросим бир йилга чўзилади. Дафн куни, «кир ювди», «етти куни», «пайшанбалик», «якшанбалик». «йигирма куни», «қирқ куни», «катта ҳайит ва қичик ҳайит куни», «оқ солар» ва «йил оши». Энг даҳшатлиси шу эдики, биз шу ёшга бориб аза айтишни билмас эдик. Тўғрироғи, уни бизга мактабда ҳам, оилада ҳам ўргатишмаганди. Аччиқ кунинг ўзи ўрганишга мажбур этаркан кишини. Биз ҳам жуда қийналдик. Мен ўзимнинг йигирма йиллик ўқитувчилик тажрибамдан келиб чиқиб айтмоқчиманки, қизларимизга мактаб партасидан алла айтишни, келин салом, ёр-ёр ва ҳаётда бир кунмас бир кун керак бўладиган аза айтимларини, яъни миллий урф-одатларимизни ўргатиб боришимиз керак экан. Менга ўхшаган опа-сингилларим шундай пайтда қийналмасинлар деган мақсадда ўзим эшитган аза айтишларидан мисоллар келтиришни лозим кўрдим:

Бошимдаги давлатим, жоним, онам
Оғзимдаги новвотим, дуогўйим, онам
Ўтирган ўрнида гуллар очилган,
Сўзлаганда сўзидан дурлар сочилган, онам.
Мозор отлиқ қайдадур
Тупроқлари майдадур
Меҳрларига зор қилган
Онажоним қайдадур?
Ойлар қиёлаб ботарму
Меҳрибоним қора ерларда ётарму?
Қалам-қалам қошларингиз қаландарлар қилади,
Ширин-ширин сўзларингиз энди ҳуморлар қилади...
Келар эдим ўтдай ёниб,
Кўрар эдим меҳрим қониб.
Кўрганда кўзим қувнаган
Кўришганда тана-бошим яйраган,
Лачайпўшим, вой, онам!
Тоғлардан оққан сувлар
Боғлардан оқса бўлмасмиди?
Бизларнинг бахтимизга
Юра турсангиз бўлмасмиди?
Оқ уйларимнинг ойнаси
Ширин сўзлигим, вой, онам.
Сув деганда шарбат берган, онам!
Нон деганда новвот берган, онам...

Ҳолида ИСЛОМОВА,
Тошкент шаҳридаги 150-мактаб ўқитувчиси.

САХОВАТПЕШАЛАР

ҲИММАТ

Фарғона автомобиль транспорти ишлаб чиқариш бирлашмаси кўплаб хайрли тадбирларни амалга оширмоқда. Иқтисодий тақчиллик даврида бирлашма оғир молиявий аҳволни бошидан кечираётган бўлишига қарамай, республика раҳбариятининг кам даромадли оилаларга ва ногирон болаларга кўрсатаётган ғамхўрликларини тўла қўллаб-қувватлаётир.

Яқинда бирлашма раҳбарияти Бағдод туманидаги 88-махсус мактаб-интернат ўқувчиларининг уйларига — ота-оналари қучоғига бориб келишини енгиллаштириш мақсадида савобли ишга қўл урди: 55 нафар ўқувчига автобусларда бепул юриш ҳуқуқини берадиган махсус гувоҳномалар берди. Шунингдек, 78-автокорхона жамоаси ҳам Бағдод, Бувайда, Риштон туманларидан қатнайдиган ўқувчиларнинг жамоат транспортида бепул юришларини таъминлашни ўз зиммаларига олди. Мактаб-интернат жамоаси ва ота-оналар М. Жўраев бошлиқ бўлган «Фарғонатранс» бирлашмаси, О. Усмонхўжаев раҳбарлигидаги 78-автокорхона жамоасидан беҳад миннатдорлар.

Қ. ҚОДИРОВ,
88-махсус мактаб-интернат директори.

Акс-садо

«ФАҚАТ СИЗДАН ЎТИНЧИМ»

Синглим Тошхон! «Маърифат» газетасида (17.03.93) сизнинг қалб сўзларингизни ўқиб, жуда таъсирландим. Шу ёшга етган бўлсангиз ҳам ҳамон ёлғиз эканингиз, қалбан яқин одамингизни топмаганингизни ёзибсиз. Мана, сиз эсли-ҳушли, олий маълумотли қиз эксанз. Бундайларнинг харидори, албатта, кўп бўлади. Ҳали ҳам кеч эмас, оғир, вазмин йигитлардан танлаб, турмуш қуринг, ширин-шакар ўғил-қизларни биргалашиб тарбиялянглар. Ахир, инсоннинг ўзидан бир зурриёд қолдириш орзуси табиий-ку! Мен ҳам 29 ёшимда уйланганман. Минг бор шукрким, ҳозир болаларим ўрта мактабда ўқишяпти, энг кичиги бешикда алла эшитяпти. Сиз ҳам келажакда бахтли бўлишингизга астойдил ишонаман.

А. БЕГМАТОВ.
Навоий тумани.

Газетанинг март сонларидан бирида муштарийларнинг талайгина хатларини, дил сўзларини чоп этиб, хайрли иш қилибсизлар. Улар орасидаги Тошхоннинг хати қалбимни ларзага солди. Мен ҳам сизларга умид боғлаб шу мактубимни ёзишга қарор қилдим.

Мен ҳам ёлғизман.... Мактабни тугатиб, олий ўқув юртига киролмай, қишлоғимизга қайтиб келдим. Армия сафига кетдим. Қисмимизда китоб топиб, қунт билан имтиҳон синовларига тайёрландим Хизмат тугагач, яна институтга бориб, бахтимни синаб кўрдим. Мана, олий маълумотлиман. Умр — оқар дарё дейдилар. Ёшим 29 га чиқди. Оиламизда 6 қиз ва бир ўғилмиз. Ота-онам қизларини уйли-жойли қилиб бўлишган. Ҳаммаси ўзига тинч яшашяпти. Мен эса... бирон қизга муҳаббат тўғрисида оғиз очмабман. Шукр, тўрт мучам соғ йигитман. Ўзим ўқиган мактабда ёшларга сабоқ беряпман. Мен ҳам тенгимни топсам дегандим..

Акром БОТИРОВ.
Хоразм вилояти.

РАҚАМЛАР СЕҲРИ

ДЎСТ-ИНОҚ СОНЛАР

Одамлар, ҳайвонлар, қушлар орасидаги дўстлик, йигит ва қиз орасидаги муҳаббат ҳақида эшитгансизлар. Халқимизда «Бургутнинг кучи — қанотида, одамнинг кучи — дўстликда» деган мақол бор. Одамлар орасидаги дўстлик бир-бирларига меҳрибонлик, ҳамкорлик ва ҳар қандай оғир шароитда ҳам бир-бирига мададкор бўла олиш билан белгиланади. «Сонлар орасида ҳам дўст-иноқлик мавжудми?» — деб ажабланманг.

Хўш, сонлар орасидаги дўст-иноқлик қандай аниқланади? Сонлар орасидаги дўст-иноқлик бу сонларнинг ўзидан фарқли бўлувчиларининг йиғиндиси орқали аниқланади. Масалан, 220 ва 284 сонларини қарайлик. Бу сонлар қуйидаги хусусиятга эга: 220 сонининг ўзидан фарқли бўлувчилари: 1, 2, 4, 5, 10, 11, 20, 22, 44, 55, 110 нинг йиғиндиси иккинчи сон 284 га тенг. 284 сонининг ўзидан фарқли бўлувчилари: 1, 2, 4, 71, 142 нинг йиғиндиси биринчи сон 220 га тенгдир. Ана шундай хусусиятга эга бўлган сонлар жуфтига иноқ сонлар дейилади.

220 ва 284 иноқ сонлар жуфтини қадимги грек математиги Пифагор Самосский (эрамиздан олдинги 570 — 500 й.) топган ва у: «220 ва 284 сонлари каби мен бўла оладиган кишигина менинг дўстимдир», — деган эди.

Ҳар биримиз ёшликданоқ ўз тенгимиз билан ўйнаб, ўқиб юрган чоғларда ўртоқлашганмиз, вояга етгач, улфатлашганмиз. Ҳаёт ва меҳнатда бошдан оғир-енгилликлар, иссиқ-совуқлар ўтганда, синашта бўлганлар билан дўстлашганмиз. Ана шундай хусусиятлар иккинчи 1184 ва 1210 иноқ сонлар жуфтига мужассамлашган. Бу иноқ сонлар жуфтини 1867 йилда ўн олти ёшли италиялик Б. Паганини топган.

17296 ва 18416 сонларнинг иноқлиги одамлар орасидаги дўстликда ҳар иккала томоннинг бири иккинчисининг дардига шерик бўлишига ўхшашдир. Бу иноқ сонлар жуфтини йирик француз математиги Ферма Пьер (1601 —1665 й.) 1636 йилда топган. Аммо яқинда марокандлик олим ибн ал-Баннининг (1256 —1321 й.) илмий асарларидан: «17296 ва 18416 сонлар иноқ сонлардир... Худо ҳар нарсадан хабардор», — деган сатрлар топилди. Демак, Фермадан олдин 17296 ва 18416 иноқ сонлар жуфти ибн ал-Баннига маълум экан. Ибн ал-Баннидан олдин араб математиги ибн Курра (836 — 901 й.) баъзи иноқ сонларни топишнинг усулини айтиб ўтган эди. Ибн Курранинг баъзи иноқ сонларни топиш усулини билмаган ҳолда 1638 йили француз математиги Р. Декарт (1596 — 1650 й.) 9363584 ва 9437056 иноқ сонлар жуфтини топди.

Кўпгина математиклар ибн Куррадан кейин иноқ сонларни ўрганиш билан шуғулландилар, лекин улар бу сонлар ҳақида ҳеч қандай янгилик ярата олмадилар. Аммо уларнинг асарларида қуйидаги йўлланмалар берилган. «Муҳаббатда ҳар иккала томоннинг иштиёқига эришиш учун бирор нарсага 220 ва 284 сонларини ёзиб, озроғини маҳбубага бермоқ ва кўпроғини ўзи емоғи лозим».

Рус олими, академик (асли швейцариялик) Л. Эйлер (1707 — 1783 й.) 59 жуфт иноқ сонларни топди. Улар орасида икки жуфт тоқ иноқ сонлар мавжуддир. Л. Эйлер бундай сонларни топишнинг бешта усулини кўрсатиб ўтган. Ҳозиргача қариб 1100 жуфт иноқ сонлар фанга маълум. Бу сонлар оддий йўл билан ва ЭҲМ (XX асрнинг бошларидан кейин) ёрдамида топилган. Математикага маълум энг катта иноқ сонлар жуфти 152 хонали сондан иборатдир. Демак, бу сонлар жуда улкан сонлар экан!

Дунёда энг катта шодлик — дўстлар билан бирга бўлиш ҳақида Абу Абдулло Рўдакий шундай ёзган:

Жаҳоннинг шодлиги йиғилса бутун,
Дўстлар дийдоридан бўлолмас устун.

Демак, келажакда ЭҲМ ёрдамида яна бир қанча иноқ сонлар жуфти, санашда ишлатиладиган сонлар тўпламидан жуда узоқликда ётган сонлар орасидан топилади ва дийдоридан одамлар хабардор бўлади. Натижада, иноқ сонлар жуфтликлари янада мустаҳкамланади.

Биз юқорида сонлар ва одамлар орасидаги дўст-иноқликдаги баъзи ўхшашликлар билан танишиб ўтдик, холос. Одамлар орасидаги дўстлик элементларини сонлар орасида тарғиб этиш ва бундай сонларни иноқ сонлар деб аташ Пифагор замонидан одат тусига кириб келмоқда.

Иноқ сонлар мавзуси ўрта мактаб дарсликларида учрамайди. Бу сонлар тарихи билан ўқувчиларни тўгарак ва факультатив машғулотларда, тарбиявий соатларда таништирилиб борилса, фойдадан ҳоли бўлмайди.

Нормурод ҚУРБОНОВ,
Сурхондарё вилояти Бойсун туманидаги А. Навоий номли 2-мактаб ўқитувчиси.

Жиззах вилоятининг Пахтакор туманидаги ёш техникалар станцияси ўқувчилар билан ҳамиша гавжум бўлади. Айниқса фотоаппаратлар ёрдамида суратга олиш тўгараги машғулотлари жуда мароқли ўтади. Болалар тўгарак раҳбари Салоҳиддин Эгамовдан бу ҳунарнинг энг нозик сирларини қизиқиб ўрганишмоқда.

У. ҚУШВОҚОВ суратга олган.

«Ўқитувчи—93» кўрик-танлови

БИЛИМ, МАҲОРАТ ВА ТАЖРИБАЛАР СИНОВИ

Зангиота туманидаги 45-мактабда Тошкент вилоятининг 25 нафар ўқитувчиси уч кун мобайнида соврили ўринлар учун баҳслашдилар. Мусобақанинг дастлабки куни улар синфларда дарс ўтиб, махсус соғломлаштириш гуруҳларидаги фаолиятлари, янгича услублар билан қадрдон мактабларида нечоғли муваффақиятга эришаётганлари, машғулотларга жорий этаётган янгиликлари самараси ҳақида сўзлаб бердилар. Шунингдек, танлов иштирокчиларининг машғулотларда қўллаган техник жиҳозига, кўргазмали қуроллардан фойдаланиш усулларига, ўқувчилар билан қандай тартибда ишлаётганига ҳам баҳо қўйилди.

Танловда соврили ўринга даъвогарларнинг ўқитиш услублари турлича эканлиги ҳам маълум бўлди. Танлов ўтаётган мактабнинг жисмоний тарбия ўқитувчиси Ж. Шоҳидов махсус соғломлаштириш гуруҳидаги олиб бораётган ишларини аниқ ҳисоб-китобар билан илмий асослаб берди. Масалан, у ясси оёқли болаларни махсус ҳаракатли машқлар билан шуғуллантириб, кўзлаган мақсадига эришаяпти. Қибрай туманидаги 2-мактаб ўқитувчиси Ж. Худоёров жисмоний машқларни меҳнат таълими билан уйғунлаштириб, бу соҳада маълум даражада муваффақиятларни қўлга киритаётир. Ўқувчилар камолга етиб, мабодо қуруқчилик касбини танлашса, улар қурилиш ташкилотларида чарчаш нималигини билмай фаолият кўрсатишлари мумкин. Шу тумандаги 4-илм масканн ўқитувчиси М. Тожиев жисмоний тарбия машғулотларини деҳқончиликда қандай қўллаш лозимлигини ўқувчилар билан биргаликда кўрсатиб берганида, ҳакамлар ҳайъати унга энг юқори баллни қўйди.

— Бундан уч йил муқаддам жисмоний тарбия муаллимлари кўрик—танловини бошқа фан ўқитувчиларинкидан алоҳида ўтказиш лозим, деган қарорга келдим, — деди жисмоний тарбия ва спорт бўйича вилоят бошқармаси мутахассиси В. Банников. — Бу таклифни бошқалар ҳам қўллаб-қувватлашди. Мана, натижасини ўзингиз кўриб турибсиз.

Дарҳақиқат, натижалар, кўрсаткичлар чакки эмас. Мутахассислар баъзи иштирокчиларнинг дарс ўтиш маҳоратларини юқори баҳолашди. Лекин вилоят туман (шаҳар)ларидан саралаб олинган барча ўқитувчиларга бир хил баҳо бериш қийин, албатта. Шунинг учун ҳам якунловчи босқичда 8 нафар ўқитувчи соврили ўрин учун беллашиш ҳуқуқини қўлга киритди.

Якунловчи босқичнинг биринчи шартига кўра, танлов иштирокчилари иш фаолиятлари ҳамда мактабдан ташқари ишлари ҳақида белгиланган вақт ичида тез ва қисқа маълумот беришди. Бу баҳсда ҳам дарсларга янгилик киритаётган муаллимлар иллюстрация қўлдан бермадилар. Улар йиғилганларга ўзларида бор санъатларини — кўргазмали қуроллар ясаш устаси, дурадгор, ойнасоз, этикдўз косиб, пазанда, боғбон, мақир раққос, классик қўшиқлар ижрочиси эканликларини кўрсата билдилар. Муҳими, танлов иштирокчилари иккинчи иқтидорларини жисмоний тарбия фанига боғлаб олиб бораётганликлари кишини қувонтиради.

Иккинчи шарт бўйича муаммоли вазиятдан чиқиб кетиш лозим эди. Бу вазифа—топшириқни улар тўла уддаладилар. Жумладан, хатжилдда «Сиз дарс олиб бораяпсиз. Бирдан эшик очилиб, синфга ўқувчиларингиздан бирининг онаси кириб келди ва бир ўқувчининг олдига бориб, унинг юзига шапалоқ урди. (Бу икки ўқувчи кеча жанжаллашиб қолишган эди). Мана шу вазиятда сиз қандай ҳаракат қиласиз?» деган жумлалар битилганди. Мазкур саволга Ж. Шоҳидов бир неча вариантда жавоб бера олди.

Учинчи шарт асосан жисмоний тарбия ва спорт мавзуига бағишланди. Ушбу шартларни бажаришда Чирчиқ шаҳридаги 11-мактаб ўқитувчиси Г. Қодирова, Қибрай туманидаги 3-мактаб муаллими В. Ҳусаиновлар маҳорат кўрсатишди.

Кўрик-танловда М. Тожиев биринчи, Ж. Шоҳидов иккинчи, Г. Қодирова учинчи ўринни эгалладилар. Ғолиблар иқтидорига яраша тақдирланди ва мусобақа низомига кўра уларнинг тоифалари бир погона кўтариладиган бўлди.

Беллашув жараёни бизда ҳам айрим мулоҳазаларни уйғотди. Танловда иштирок этган ўқитувчиларнинг ўқув машғулотларида қўллаётган услублари, бир жиҳатдан қараганда, маорифимизни янги босқичга кўтаришда арзимас улушдек бўлиб туюлиши мумкин. Лекин илғор ўқитувчилар сони мустақил республикамизда жуда кўп. Уларнинг тажрибалари жамланиб, мақсад сари йўналтирилса, халқ таълимидаги талай муаммолар ечилиши турган гап.

Илғор тажрибани тарғиб қилиш алоҳида фаолият. Маорифни янада ривожлантириш учун энг аввало, ижодкор ўқитувчиларнинг иш услублари Ўзбекистон телерадиокомпаниясининг ўқув кўрсатувлари муҳарририяти томонидан кенг ташвиқот қилинмоғи даркор. Чунки телевидение оммавий ахборот воситаларининг энг қулай ва энг оммавий тури ҳисобланади. Шундай йўл тутилганда ўзларини кўрик-танловнинг қийинчиликларидан четга олиб юрган баъзи бир илғор ўқитувчилар кўрик-танловга — маҳорат мактабининг улкан йўлига ҳеч иккиланмасдан чиқишлари мумкин. Зотан, ҳар қандай ижодий меҳнат ҳам оммалаштирилмоғи ва қадрланмоғи зарурдир.

Қурбонбой МАТҚУРБОНОВ,
махсус мухбиримиз.

ҚУТЛАЙМИЗ!

Ҳурматли ҳамкасбларимиз Маҳкам ИСЛОМОВ ҳамда Фарида ИМОМХЎЖАЕВА!

Инсоннинг ҳаётда ўз ўрни бўлсин, дейишади. Бу сўзнинг замирида чўнг маъно бор. Сизлар узоқ йиллардан буён мактабимизда ёш авлодга таълим-тарбия бериб устозликдек сермашаққат касбни улуғлаб келаётган, ҳаётда ўз ўрни, ўз йўлини топган, фидойилиги, меҳнатсеварлиги билан обрў қозонган мўътабар инсонларсиз.

Қутлуғ 55 ёшингиз билан мактабимиз жамоаси номидан самимий муборакбод этамиз. Туғилган кунингиз муборак бўлсин, азиз ҳамкасблар!

ШАЙХОНТОҲУР ТУМАНИДАГИ 276-МАКТАБ ЖАМОАСИ.

Ҳурматли Парпибой МИРЗАЕВ ва Қосимбой ЖЎРАЕВ!

Бирингиз Поп туманидаги 16-мактабда, яна бирингиз Уйчи туманидаги 31-мактабда ўғил-қизларга таълим-тарбия бериб келаяпсиз. Наманган вилояти маорифчилари Сизларни испан тили фани мутахассислари сифатида яхши билишади.

Тил ўрганиш мустақил Ўзбекистон ёшлари учун ҳозирги кунда жуда асқотишини ҳисобга олиб ёшларга ана шу фанни чуқур сингдиришга жонкуярлик қилиб келаётирсизлар.

Туғилган кунларингиз нишонланаётган ушбу айёмда оила аъзоларингиз ҳамда А. Авлоний номидаги Республика халқ таълими ходимлари малакасини ошириш Марказий институтининг бир гуруҳ тингловчилари Сизларга узоқ умр, сиҳат-саломатлик ва хуш кайфият тилаб қолади.



Сафо Очил ўқувчиларга «Ҳайнрих Ҳайне ва унинг ўзбек тилидаги таржималари», «Умидвор қушча», «Камалак ва сумалак», «Замин садолари», «Айтсамми ё айтмасам», «Бургут», «Қалб гулшани» сингари ранго-ранг шеърий ва насрий, илмий-назарий ҳамда илмий-оммабоп китоблари орқали маълум. У филология фанлари номзоди.

Бугун шоирнинг янги қўшиқларидан намуналар ўқийсиз.

Сафо ОЧИЛ

ЯНГИ ҚУШИҚЛАР

КЕЗАРМИШ

Истиқлол бўстонида пири илҳом кезармиш,
Ниҳолларга субҳидам айлаб калом, кезармиш.

Ниҳоллар камол топиб бўлғай юртнинг сайқали,
Дебон қувнаб азизу аҳли авом кезармиш.

Ҳузур топгай бу юрак қилиб барин тамошо,
Бир ён яйраб булбулдай ширин калом кезармиш.

Огоҳ бўлинг, гулшанга қараб қоработирлар,
Пана жойдан ўшқириб гоҳи дошном кезармиш.

Сафо Очил ўксинма, қўллар Оллоҳнинг ўзи,
Бу бўстонда сергак бир руҳи ислом кезармиш.

ХУШ АРМОНИМ БОР

Тоҳануз тинчлик бермас юракда туғёним бор,
Туғёнларим туташган безовта уммоним бор,
Ҳур воҳам мадҳин куйлай деган хуш армоним бор,
Ахир, ўшал тупроқда қолган киндик қоним бор,
Учиб борай десам на қанот, на имконим бор.

Ёронлар, дўст деганим ағёрга ҳамдам экан,
Касби доим золими ғаддорга ҳамдам экан,
Оламда ном чиқарган таррорга ҳамдам экан,
Элу юрт юз ўгирган маккорга ҳамдам экан,
Кўзларини ёр босган ақли ногироним бор,
Ҳийла бирлан ғолибдир баъзи замондошларим,
Овозимни бўғмишлар ҳасадгўй элдошларим,
Зулмидан тортиб озор зоғ оқармиш сочларим,
Тобланур бора-бора пўлатдек бардошларим,
Илҳомимдан ясалган бир тахти равоним бор.

Дунёга келиб даври-даврон сурмадим, вале,
Аҳли нопок йўлидан дайдиб юрмадим, вале,
На ҳавасим, на нафсим эркин бермадим, вале,
Туҳматдан бўлак ҳеч бир ёрлиқ кўрмадим, вале,
Сафо Очил аталмиш гавҳари нишоним бор.

ИЛҲОМ ГУЛШАНИ

(ХИВА ГИЛАМДУЗЛАРИГА)

Изҳори дил айласам сўлим-сўлим кўкламга,
Латиф куйлар янграйдир сиғмай сўнгсиз оламга.

Ҳайрат солиб қалбимга турфа илҳом гулшани,
Олам ичра яшнайдир сингиб боғи эрамга.

Меҳрингиз дастгоҳига боғласам меҳрим ипин,
Алҳол сафо очилур ўхшаб Хива гиламга.

Ҳуққаи лаъл лавҳасин чизган оташин юрак,
Муҳрин босиб бахш этар зеболиғин ўлкамга.

Аё, гиламчи дўстлар, Сафо Очил шод-ҳуррам,
Дўстлик юкин ортадур бирин қўймай елкамга.

ВИҚОРИ БОР ШУ ҚИЗНИ

Хиром айлаб ўтар, ё ҳумори бор шу қизнинг,
Парво этмай кетар, ё виқори бор шу қизнинг.

Олам бўлар гулистон, висолга келса жонон,
Бўй бермаган бўйнида тумори бор шу қизнинг.

Насим уни сийлармиш, сийлаб сўнгра силармиш,
Етти иқлим билмаган озори бор шу қизнинг.

Зебо камолин кўрдим, қадди ниҳолин кўрдим,
Зулмат уйим ёритган рухсори бор шу қизнинг.

Ол юзлари оловкор, ловуллайди у такрор,
Жонима ўтлар солган шарори бор шу қизнинг.

Дардим кўриб жонона, боши етар осмона,
Зеру забар қилишга қарори бор шу қизнинг.

Аста-аста борарман, бир кун кўнглин оларман,
Сафо Очил деган бир хушторн бор шу қизнинг.

ТАРИХИМИЗНИ БИЛАСИЗМИ?

Ўқув йили яқунланиши арафасида Тошкент шаҳридаги Абу Бакр ар-Розий номли 127-мактабда «Тарихимизни биласизми?» деб номланган театрлаштирилган савол-жавоб кечаси ўтказилди. Кечада топқир ва зукко ўқувчилар икки командага бўлиниб, ўзаро беллашдилар.

Ўрта Осиё тарихи, темурийлар салтанати, қорахонийларнинг келиб чиқиши, шайбонийлар харитасида учрайдиган битиклар ҳақида нималарни биласиз ҳамда «2001 йилда Ўзбекистонни қандай тасаввур қиласиз?» каби саволларга зукко ўқувчилардан Б. Орифжонов, М. Тоҳиров, С. Зиярбекова, Н. Толиповалар аниқ ва пухта жавоб беришди. Ўқувчилар беллашувнинг бадиий қисмини ҳам зўр маҳорат билан ўтказдилар.

Кечанинг ўзига хос — бадиийлашган услубда ўтишида шу мактабнинг тарих фани ўқитувчиси Рафиқа Одилованинг хизматларини алоҳида таъкидлаб ўтмоқ керак.

М. ҚУЧҚОРОВ.

ҚИЗИҚАРЛИ УЧРАШУВ

Марҳамат туманидаги Ҳомиджон Исоқов номли 12-ўрта мактабда ўқувчиларга таълим-тарбия беришнинг турли усулларидан фойдаланмоқда. Бу ерда синфдан ва мактабдан ташқари тарбиявий ишларга катта эътибор берилаётир. Жумладан, фан кечалари, турли касб эгалари билан учрашувлар, кўрик-танловлар, мушоиралар, мунозаралар, китобхонлар кенгаши, эрталиклар уюштириш анъанага айланиб қолган.

Яқинда мактабда қизиқарли мавзуда учрашув бўлиб ўтди. Марҳамат туман прокурори Қобилжон Қирғизалиев юқори синф ўқувчилари, ота-оналар, ўқитувчилар иштирок этган йиғилишда «Ўсмир ва қонун» мавзуида маъруза қилди. Маърузачининг ёшларнинг ҳуқуқлари она-Ватан ҳамда ота-она олдидаги муқаддас бурчлари, Президентимиз И. А. Каримовнинг ёш авлод тарбияси учун кўрсатаётган чексиз ғамхўрликлари хусусидаги маҳаллий далилларга бой фикрлари қатнашчиларда катта таассурот қолдирди.

А. ЭРАЛИЕВ.
Андижон вилояти.

ЎҚУВЧИЛАР БЕЛЛАШУВИ

Ўзбекистон Республикаси телевидениеси ходимлари ҳамда «Ёш куч» ойномаси таҳрир ҳайъати аъзоларининг ташаббуси билан «Ўйла, изла, топ!..» рукни остида мактаб ўқувчиларига мўлжалланган яна бир кўрсатув ташкил этилганлиги кўпчиликни қувонтираётгани сир бўлмаса керак.

Кўрсатувнинг ташкил этилганига ҳали кўп вақт бўлмаса-да, бироқ у ўзининг мухлисларига, ўқувчиларига эга. Куни кеча ана шу кўрсатув орқали Сурхондарё вилояти Сариосиё туманидаги Р. Мирзаев номли 19-мактаб ҳамда А. Икромов номли 35-ўрта мактаб ўқувчиларининг ўзаро беллашуви бўлди.

— Бу кўрсатувни ташкил этишдан мақсад, — дейди беллашувда ҳакамлар ҳайъати раислигини бажарган Х. Тўхтабоев, — аввало, ўқувчиларнинг бўш вақтларини яхши ташкил этиш бўлса, шунингдек, уларни фанлараро билимдонликка, аъло ўқишга, изланиш ва ўйлашга чорлайди. Сурхондарёлик ўқувчи ёшларнинг ўзаро беллашуви ҳам жуда қизиқарли, мазмунли ўтди. Улар берилган топшириқларни, гуруҳлар олдига қўйилган масалаларни тез ва тўғри ҳал этишлари билан мактабда олган билимлари нечоғли эканлигини кўрсата олдилар. Энг муҳими эса, ҳар иккала мактабнинг вакиллари ҳам беллашувда ғолиблик совринини қўлга киритишга муяссар бўлдилар.

Хуллас, бундай беллашувлар ўқувчиларнинг билим даражаларини янада юксалтиришга, фанлардан бериладиган мисол ва масалаларни тез ва тўғри ҳал этишда муҳим ўрин тутишига шубҳа йўқ.

Тасвирда: ўқувчилар беллашувидан лавҳалар.

У. ҚУШВОҚОВ
суратга олган.

ҲАЗРАТ РУҲИГА ҲУРМАТ

Асрларга татигулик дурдона фикрлар айтиб, буюк ишлар қилиб кетган улуғ аждодларимизнинг, ҳатто, номларини эшитиб-эшитмаганимиздан ҳайратланаяпмиз энди. Худди шундай бобокалонларимиздан бири Ўрта Осиёлик машҳур файласуф Баҳовуддини Нақшбанддир.

Яқинда Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институтида бўлиб ўтган Баҳовуддини Нақшбанднинг 675 йиллигига бағишланган илмий-адабий анжуманда юқоридаги фикрлар эътироф этилди.

Институт ректори К. Юсупов, профессор Ҳ. Ҳамидов, О. Усмонов, Саудия Арабистонидан ташриф буюрган меҳмон Сайидмубоширшон Косоний ва бошқалар ҳазрати Баҳовуддини Нақшбанднинг ҳаёти ва илмий асарлари; диний ва дунёвий дурдона ҳикматлари тўғрисида ўз фикрларини баён қилдилар.

З. УСМОНОВА.

ЮҚОРИ САВИЯДА ЎТДИ

Бектемир туманидаги 291-мактабнинг она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси Шарифа Баёнованинг 11-синфдаги очиқ дарси шоир Муҳаммад Юсуф ижодига бағишланди. Даставвал у машғулотни тафсиф этиш билан бошлаб, ўғил-қизларга ўзига хос услубда тушунча бера олди. Айниқса, муаллима кейинги пайтларда шоирнинг ёр ва диёр мадҳига ўз ижоди саҳифаларидан кенг ўрин ажратаётганига батафсил тўхталди. Ўқувчилар М. Юсуф шеърларини ёд айтишди.

Умуман олганда, Ш. Баёнова йиғилганларга ўзининг ўқитувчилик маҳоратини кўрсата олди. Очиқ дарсда иштирок этганлар ҳам бир соатлик машғулот юқори савияда ўтганлигини таъкидладилар.

У. УСМОНОВ.
Тошкент шаҳри.

Бош муҳаррир
Саъдулла ҲАКИМ.

Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги республика Ўқув-методика маркази директор муовини Олимжон Бобожоновга онаси

Мавжуда БОБОЖОНОВА

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

КИТОБ ЖАВОНИНГИЗГА

ЯНГИ ҚЎЛЛАНМА

Бугунги кунда республикамиз таълим тизимида тест-рейтинг усулидаги синовлар тобора кенг кўламда қўлланма бошлади. Тест усулида имтиҳон топшириш, унинг савол ва топшириқларини бекаму кўст бажариш ҳали юқори билимли ўзбек ўқувчиси учун ҳам қийинчилик туғдириши табиий. Зеро, тест ҳақидаги тасаввурлар эндигина ўрта мактабларга етиб келди, ўқувчиларимиз тест моҳиятини етарлича англаб ололганлари йўқ, тест устида ишлаш кўникмаларига ҳам эга эмаслар. Ёшларимизга янги синов ва имтиҳонларда дастуриламал вазифасини ўташни ўз зиммасига олган. «Ўзбек тилидан тест топшириқлари» қўлланмаси шу маънода мактаб ўқувчилари ва олий ўқув юртларига кирувчилар учун беминнат кўмакчи бўла олади ТошДУ олимлари А. Рафиев ва Ж. Худойбердиевлар томонидан тузилган бу қўлланма ўзбек тили таълими талаблари асосида яратилган бўлиб, унда бу фан бўйича мактабни битириш ва олий ўқув юртларига кириш имтиҳон синовларида учрайдиган саволларнинг намунали муқоясаси келтирилади ва унга қай тарзда тўғри жавоб бериш зарурлиги кўрсатилади.

Ўзбек тили бўйича тавсия этилган тест саволлари амалдаги дарслик ва қўлланмалар асосида тузилган. Савол-топшириқлар ўзбек тилининг бўлимлари бўйича жойлаштирилган, ўқувчиларни чуқурроқ фикрлашга одатлантириш мақсадида аввал оддий, кейин мураккаброқ тарзда берилган. Топшириқларда мактабда ўтиладиган барча мавзуларнинг имконият даражасида тўлароқ қамраб олинганлиги, ўзлаштирилган грамматик билимларнинг имло, талаффуз ва нутқ саводхонлигига қанчалик хизмат қилганлигини аниқлаш учун энг маъқул тарзда жойлаштирилганлиги мазкур тест қўлланмасининг амалий қимматини белгилайди. Бир қарашда ҳамма жавоблар тўғридек кўринади, аммо энг тўғриси қайсилигини топиш изланувчининг эгаллаган билим савиясига боғлиқ. Кўриниб турибдики, ушбу қўлланма бир қолипдаги қуруқ кўрсатмалардан холи бўлиб, ўқувчи-ёшларни фикрлаш, изланишга, она тили фанини чуқурроқ ўрганишга даъват этади.

Замонавий талаблар асосида тузилган бу қўлланмани ТошДУ ўзбек филологияси факультетидан олишингиз мумкин. Қўлланмадан ўзбек тили бўйича эгаллаган билимларингизни мустаҳкамлаш йўлида фойдалансангиз ютқазмайсиз.

Мусо ТОЖИБОЕВ,
ТошДУ ўқитувчиси.

●

ОНА ТИЛИМИЗ АМАЛИЁТИ

Ўзбекона урф-одатларимиз ҳаётдан яна ўрин олаётган, қадриятларимиз ўз ўрнини топаётган, она тилимизнинг азалий ҳақ-ҳуқуқлари тикланаётган дориламон кунларда «Ўқитувчи» нашриёти яна битта савобли ишга қўл урди. Яқинда бу нашриёт таниқли тилшунос олимлар Х. Абдураҳмонов, А. Рафиев ва Д. Шодмонқуловалар томонидан тайёрланган «Ўзбек тилининг амалий грамматикаси» ўқув қўлланмасини босмадан чиқарди.

Китоб маданият ва санъат ўқув юртлари талабаларига мўлжалланган бўлиб, ушбу соҳанинг ҳар бир мутахассислигига оид материаллар билан бойитилган. Тилшуносларнинг кўзлаган мақсад бўлғуси маданият ва санъат ходимларига ҳозирги ўзбек адабий тилининг қўлланиш қоидаларини сингдириш орқали уларнинг оғзаки ва ёзма нутқ саводхонлигини ўстириш ҳамда ўзбек адабий тилининг талаффуз меъёрлари бўйича зарурий малака ҳосил қилишдир.

Қўлланмада ўзбек адабий тили тизимининг барча қисмларини амалий жиҳатдан ўргатиш асосий мақсад қилиб олинган. Шунингдек, унда маданият ва санъат ўқув юртларида тил ўргатишнинг ўзига хос услублари ҳам назарда тутилган.

Мазкур нашрда тил ҳодисаларини баён этиш ва амалий машғулотларни тузишда мутахассислик фанлари билан боғланиш бўлишига, ифода услубининг содда ва аниқлилигига, машқ, топшириқ ҳамда матнларнинг маданият ва санъат соҳасидан танланишига ҳамда ёритилаётган лисоний ҳодисаларга мос келишига алоҳида эътибор берилган. Муаллифлар томонидан ўткир дид билан танланган «Халқ санъатининг шуҳрати», «Қўшиқчига оқ сут берган она сўзлари», «Туркистонда тенги йўқ артист», «Санъат калитини эгаллаган уста», «Эзгулик куйчилари», «Ашула тўғрисида» каби ажойиб мазмунли матнлар шулар жумласидандир.

Ўзбек тилига оид мавжуд дарсликларда грамматизм, грамматик қоидалар баёни устунлик қилган бўлса, бу қўлланмада тил бирликларининг, нутқнинг турли услубларида қўлланиш хусусиятлари мисоллар билан кўрсатиб берилган. Талабаларнинг тил мутолаасини осон ва пухта эгаллашларини таъминлаш мақсадида грамматик қоидаларнинг турли нутқ услубларида қўлланишига доир машқ, топшириқ ва боғланувчи матнлар кўпроқ берилган. Орфоэпия, орфография, пунктуация асослари лексикология, морфология ва синтаксис қоидалари билан узвий боғлиқликда ёритилган. Китобнинг амалий қиймати унинг шу жиҳатлари белгилаб турибди.

Афсуски, ҳар бир талаба учун ўқув қўлланмаси сифатида фойдаланиш мумкин бўлган бу китоб жуда кам нусхада нашр этилган. Зеро, у нафақат олий ўқув юртлари, балки ўрта мактаблар учун ҳам ниҳоятда зарурдир.

Қурбонбой ТОҲИРОВ,
М. Ашрафий номли Тошкент давлат консерваториясининг Ўзбек тили ва адабиёти кафедраси ўқитувчиси.
Салимахон ХОЛДОРОВА,
ўқитувчи.

Таъсис этувчилар: Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги
Халқ таълими ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси ҳамда Ўзбекистон Педагогика жамияти

МАНЗИЛГОҲИМИЗ:
700083, Тошкент,
Ленинград кўчаси, 32.

ТЕЛЕФОНЛАР: масъул секретарь — 32-54-17, хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 32-55-58, 52-35.
ИНДЕКС: 64595.

Рўйхатдан ўтиш тартиб № 000040.
Буюртма Г—239. 117209 нусхада босилди, ҳажми — 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А—2. Босишга топшириш вақти 20.00.
Босишга топширилди — 20.00.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Маҳкамасининг Ишлар бошқармаси ҳузуридаги «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй. 123456.